

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ

Гулистон давлат университети

УМУМИЙ ИҚТИСОДИЁТ КАФЕДРАСИ

Мамараимов Ойбек Абролович

5340100-ИҚТИСОДИЁТ ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА БАКАЛАВР
ДАРАЖАСИНИ ОЛИШ УЧУН “Иқтисодиётни модернизациялаш ва
диверсификациялаш шароитида хорижий инвестициялар кўламини ошириш омиллари
(миллий иқтисодиёт мисолида)”

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Раҳбар: Эркин Азимов

Гулистон –2011

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар тобора чуқурлашиб, миллий иқтисодиётда содир бўлаётган туб сифат ва миқдор ўзгаришларининг муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда. Ушбу жиҳатлар макроиқтисодий барқарорликка эришиш, саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш соҳалари, маҳсулот ва хизматлар экспорти ҳажмининг барқарор суръатларда ўсиши, аҳоли турмуш даражасининг яхшиланиб боришида намоён бўлмоқда. Бундай ижобий ўзгаришларга эришишда инвестицияларнинг, шу жумладан, тўғридан – тўғри жалб қилинаётган хорижий инвестицияларнинг аҳамияти катта ҳисобланади.

Мустақиллик йилларида тўғридан–тўғри хорижий инвестициялар иштирокида йирик қўшма корхоналар ва хорижий инвестицияга асосланган корхоналар ишга туширилди ва самарали фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, ёқилғи-энергетика соҳасида қатор истиқболли инвестицион лойиҳалар «Газпром», «Лукойл», «Петронас», «Kogas» ва «CNPC» каби йирик хорижий компаниялар иштирокида амалга оширилмоқда. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон иқтисодиётига 100 млрд.доллардан ортиқ инвестиция жалб қилинган бўлиб, шундан 35 млрд.доллардан зиёдини хорижий инвесторларнинг маблағлари ташкил этади. Мамлакатимизда 2010 йилда 2009 йилга нисбатан 13,6 фоизга кўп, яъни 9,7 млрд АҚШ доллариға тенг миқдордаги инвестициялар ўзлаштирилди, бу ялпи ички маҳсулотнинг 25 фоизини ташкил этади.¹

Миллий иқтисодиётга тўғридан–тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш ва улардан самарали фойдаланиш борасида айрим муаммолар мавжуд.

Тўғридан–тўғри жалб қилинган хорижий инвестицияларнинг аксарият қисми саноати ривожланган Тошкент шаҳри ва вилояти ҳиссасига тўғри келмоқда. Шу билан бир қаторда, хорижий инвестицияларни устун даражада аҳоли зич жойлашган минтақаларга жалб этиш ва янги иш ўринлари яратиш

¹ Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Халқ сўзи, №16, 22.01.2011й.

ниҳоятда долзарб вазифа бўлиб қолмоқда. Жумладан, 2007 йилда Сирдарё вилоятида тўғридан–тўғри хорижий инвестициялар иштирокида бирорта ҳам инвестицион лойиҳа амалга оширилмаган, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Наманган, Сурхондарё вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида ўзлаштирилган тўғридан–тўғри хорижий инвестициялар миқдори 1 - 2 млн.доллардан ошмаган.²

Хорижий инвестициялар иштирокидаги аксарият инвестицион лойиҳалар асосан импорт ўрнини қопловчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва ички истеъмол бозорига хизмат қилишга йўналтирилган бўлиб, уларнинг экспорт фаолияти чекланиб қолмоқда. Иқтисодиётни эркинлаштириш босқичида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятида салбий ташқи савдо сальдоси кузатилиши мамлакат тўлов баланси барқарорлигига ҳам таъсир кўрсатмоқда.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Мазкур мавзу илмий асарлар, ўқув қўлланмалар, маъруза матнлари, илмий мақолаларда кўплаб иқтисодчи олимлар томонидан ўрганилган. Бу мавзуда тадқиқот олиб борган Ўзбекистонлик ва хориж олимларининг меҳнати самараси анчагина. Хориж олимларидан И.Ансофф., Б.И.Алёхин, М.М.Богуславский, В.В.Бочаров, И.А.Бланк, А.Дж.Гиттан, М.В.Грачева, А.Д.Голубович, Р.Дамари, М.Д.Джонк, А.Зель, М.Н.Крайнина, С.Шмидт, У.Шарп, В.Д.Шапиро, Л.Энджел, А.Яругова ва бошқалар мамлакат инвестицион муҳитини яхшилаш бўйича илмий тавсияларини ўзларининг тадқиқот ишларида кўрсатиб ўтганлар. Республикамиздаги профессор-олимлардан А.М.Алимов, Ё.А.Абдуллаев, А.В.Вахобов, С.С.Ғуломов, Д.Ғозибеков, А.С.Жўраев, Б.С.Маматов, Э.И.Носиров, И.А.Хамедов, Н.Х.Хайдаров, М.Шарифхўжаев ва Ш.Юлдашевларнинг ушбу мавзу бўйича қилган илмий тадқиқот ишлари ҳам катта аҳамиятга эгадир.

² Каримов И.А. Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислоҳот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир. Тошкент, “Ўзбекистон”, 2008.– Б.11-12.

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари. Мазкур БМИнинг мақсади инвестициялар ҳақида тушунча, уларнинг ижтимоий-иқтисодий моҳиятини ёритиш, мамлакат иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб этишнинг назарий-ҳуқуқий асослари очиқ беришдан иборат. Ушбу мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар белгиланди:

- жаҳон тажрибасини ўрганиш, Ўзбекистон Республикасида хорижий инвестициялардан самарали фойдаланиш ҳолатининг тенденцияларини таҳлил этиш;
- хорижий сармояларни жалб қилишда инвестицион муҳитни такомиллаштириш йўналишлари, истикболлари бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;
- Молиявий иқтисодий инқироз оқибатларини баратараф этиш борасида мамлакат Иқтисодий инқирозга қарши чора тадбирлар дастурини амалга оширишда инвестицияларни ахамиятини ёритиш.

Тадқиқот предмети ва объекти. Битирув малакавий ишнинг объекти сифатида мамлакатимиз иқтисодиётига жалб этилган инвестициялар оқими танлаб олиниб, ўрганиш предмети бўлиб, мамлакатга жалб этилган инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари таркиби, иқтисодиёт тармоқларига киритилган хорижий инвестициялар оқими тенденцияси ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятининг асосий кўрсаткичлари таҳлили ҳисобланади.

Тадқиқот услубияти ва услублари. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, ташқи иқтисодий алоқалар ва савдо бўйича Ўзбекистон Республикаси агентликлари, Сирдарё вилояти статистика бошқармаси маълумотлари, хорижий ва маҳаллий олим-мутахасисларнинг ўқув-услубий, илмий ишлари, кўрсатмалари ҳамда интернетдан олинган ахборотлар тадқиқотнинг методологик асоси бўлиб хизмат қилади.

Мавзунинг илмий янгилиги. Ишнинг илмий янгилиги:

-мамлакатга жалб этилган инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари тахлил этилган;

-инвестиция дастури ва техник модернизациялаш бўйича тармоқ дастурлари доирасида амалга оширилган ишлар ва кўлга киритилган натижалар баҳоланган;

-стратегик аҳамиятга эга бўлган лойиҳаларни амалга оширишда инвестицияларнинг ўрни ёритилган.

Тадқиқот натижасининг амалий аҳамияти шундан иборатки, битирув малакавий ишни ёзиш жараёнида берилган тавсия ва хулосалардан ҳамда материалларидан миллий иқтисодиётга жалб этилган хорижий инвестициялардан оқилона фойдаланишда, Сирдарё вилоятида инвестицион мухит жозибадорлигини оширишда, шунингдек олий ўқув юртларида мавзуга оид маърузаларда фойдаланиш мумкин.

Ишнинг тузилиши ва таркиби. Мазкур битирув малакавий иши кириш, учта боб, хулоса ва таклифлар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, ишнинг биринчи бобида мамлакат иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб этишнинг назарий-ҳуқуқий асослари ва жаҳон тажрибаси батафсил ёритилган. Шунингдек, инвестициялар ҳақида тушунча, уларнинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти очиқ берилган. Ишнинг иккинчи “Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт тармоқларига хорижий инвестицияларни жалб этилиши ва унинг муаммолари” бобида эса, миллий иқтисодиётга жалб этилган инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари таркиби, иқтисодиёт тармоқларига киритилган хорижий инвестициялар оқими ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятининг асосий кўрсаткичлари тахлил этилган. Сўнгги учинчи “Иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш шароитида Ўзбекистонга хорижий инвестицияларни жалб этишнинг устувор йўналишлари” бобида хорижий сармояларни жалб қилишда инвестицион мухитни такомиллаштириш йўналишлари, хорижий инвестициялардан самарали фойдаланишда эркин

иқтисодий зоналар ташкил этиш имкониятлари бўйича фикр-мулоҳазалар ҳамда амалий тавсиялар берилган. БМИнинг хулоса қисмида мамлакатимиз инвестицион муҳитининг жозибадорлигини янада ошириш ва жалб этилган хорижий инвестициялардан оқилона фойдаланишнинг самарали механизмини ишлаб чиқиш бўйича бир қатор илмий асосланган таклифлар берилган.

I БОБ.Иқтисодийни модернизациялаш ва диверсификациялаш шароитида хорижий инвестицияларни илмий ўрганишнинг илмий-амалий асослари

1.1. Инвестициянинг иқтисодий мазмуни ва аҳамияти.

Ўзбекистон Республикасида кенг қўламли ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга ошириш бошланганидан буён «инвестиция» тушунчасидан кенг тарзда фойдаланиб келинмоқда. Қисқа муддат мобайнида инвестиция тушунчаси иқтисодий адабиётда, тадбиркорлик фаолиятини юритиш амалиётида ва, умуман, кенг муомалада мустаҳкам ўрин эгаллади. Турли иқтисодий фанлар ҳамда амалий фаолият йўналишларида инвестициялашнинг мақсади, молиялаштириш манбалари, тармоқ йўналиши, объекти ва бошқа жиҳатларига қараб турлича талқин берилади. Ж.Кейнс инвестицияларни “ушбу даврда топилган даромаднинг истеъмолга ишлатилмаган қисми” деб таърифлайди.³ Айрим иқтисодчилар томонидан “инвестициялар даромад (фойда) олиш ҳамда ижобий ижтимоий самарага эришиш мақсадида тадбиркорлик объектларига ва бошқа фаолият турларига солинадиган пул маблағлари, мақсадли омонатлар, акциялар, бошқа турдаги қимматли қоғозлар, технологиялар, машиналар, ускуналар, лицензиялар, ҳар қандай бошқа мол-мулк ёки мулк хуқуқлардир” деган таъриф берилади. Бошқа бир тоифа иқтисодчилар эса инвестицияларни жорий даромад олиш ёки келажакда уларнинг қийматини ошиб боришини таъминлаш мақсадида тадбиркорлик ва бошқа фаолият объектларига пул,

³ Кейнс Дж. Общая теория занятости, процента и денег. - М.: Прогресс, 1978. - 117 б.

моддий ва номоддий шаклда йўналтирилган узок муддатли капитал маблағлари деб атайдилар.⁴ Д.Тожибоева «инвестициялар - келажакдаги натижа олиш учун ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва реконструкция қилиш, маҳсулот ва хизматлар сифатини яхшилаш, малакали мутахассислар тайёрлаш ва илмий тадқиқот ишлари олиб боришга мўлжалланган молиявий ресурслар» деб таърифлайди.⁵ Инвестицияларнинг иқтисодий мазмуни ва моҳитини кўриб чиқишда шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, иқтисодий адабиётда «инвестициялар» атамасини «капитал қўйилмалар», «капитал» тушунчалари билан айнан ўхшаш маъноларда қўллаш ҳолатлари кўп учрайди. Бундай ҳолларда инвестициялар асосий капиталга маблағлар қўйиш маъносида талкин қилинади. Шу ўринда айтиш ўринлики, инвестициялар тушунчаси кенгрок маънони англатиб, ўз ичига номоддий активлар, интеллектуал мулк ва айланма активлар, шу жумладан, молиявий воситаларга йўналтирилган маблағларни ҳам киритади.

Ўзбекистон Республикасининг «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги қонунида эътироф этилганидек, инвестиция тушунчаси иқтисодий ёки бошқа фаолият объектларига киритиладиган моддий ва номоддий неъматлар ҳамда уларга доир ҳуқуқларни ифодалайди. Инвестициялар муҳим иқтисодий категория бўлиб, товар-пул муносабатлари тизимида макродаражада ҳам, микродаражада ҳам жуда катта ўринга эгадир. Унинг, авваламбор, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, асосий фондлар маънавий ва жисмоний эскиришини олдини олиш ва ишлаб чиқаришни техникавий даражасини ошириш ва корхонани қолган мақсадларига эришишни таъминлашдаги ўрни жуда беқиёсдир. Шу билан бирга ижтимоий ва экология муаммоларини, мамлакат миқёсида кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш сиёсати ва фан-техника тараққиёти, ишлаб чиқарилаётган товар ва хизматлар сифатини ошиши, ташқи савдо операцияларини таркибини ижобий бўлиши ва бошқа масалаларни ҳал этишни таъминлаши керак. Шулардан ҳам кўриниб турибдики, инвестициялар

⁴ Гаврилова А.Н. Финансовый менеджмент. - М.: Кнорус, 2005. - 156 б.

⁵ Тожибоева Д. Иқтисодиёт назарияси. - Тошкент.: Шарқ, 2003. - 79 б.

иқтисодий категория сифатида мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишини таъминлашда жуда муҳим функцияларни бажаради.

Инвестиция фаолиятини молиялашнинг турли манбалари мавжуд бўлиб, уларнинг амалдаги таркиби турли иқтисодий жараёнларга боғлиқдир. Инвестиция ким томонидан, қайси мулк эгаси томонидан амалга оширилишига кўра хусусий, нодавлат секторидаги инвестиция (акционерлик жамиятлари, фирмалар ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан янги корхоналар яратилиши, асбоб ускуналар сотиб олиниши), ижтимоий (давлат) секторидаги инвестиция (давлат бюджети ҳисобидан темир йўл, электростанция, мактаб ёки соғлиқни сақлаш муассасалари қурилиши кабилар) ва чет эл инвесторлари томонидан (хусусий, давлат) қўйилган инвестицияга бўлинади. Бугунги кунда бюджет маблағлари, корхоналар маблағлари, аҳолининг пул бўш маблағлари, банкларнинг кредитлари, чет эл юридик ва жисмоний шахсларининг маблағлари республикада инвестицияларни молиялаштиришнинг муҳим манбалари ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Чет эл инвестициялари тўғрисидаги” қонунида республика ҳудудида чет эллик инвесторлар томонидан қонун ҳужжатларига зид бўлмаган тадбиркорлик ва бошқа фаолият объектларига аксарият фойда (даромад) олиш мақсадларида киритиладиган моддий ва номоддий неъматлар ҳамда уларга доир ҳуқуқларнинг жами турлари, шу жумладан, интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқлар, шунингдек, чет эл инвестицияларидан олинadиган ҳар қандай даромад чет эл инвестициялари саналади. Инвестициялаш мазмунига кўра, чет эл инвестициялари миллий иқтисодиётга турли шаклларда, шу жумладан, тўғридан-тўғри, портфель ва кредит кўринишида жалб қилиниши мумкин. Халқаро валюта жамғармаси «Тўлов баланси бўйича қўлланмаси»да⁶ тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар концепциясига бир мамлакатнинг резиденти бошқа мамлакат резиденти бўлган хўжалик юритувчи субъектига нисбатан узоқ муддатли

⁶ Balance of payments manual. – Washington: IMF publications, 2003 – 93 p.

манфаатини акс эттирадиган халқаро инвестиция категориясидир, деб таъриф беради. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар билан боғлиқ амалиётлар мамлакат тўлов балансининг молия ҳисобида «тўғридан-тўғри инвестициялар» бобида ҳисобга олинади. Тўлов баланси услубиётига биноан устав (акциядорлик) капитали, қайта инвестицияланган (реинвестиция қилинган) даромадлар ва трансмиллий корпорациянинг (турли мамлакатлардаги) бўлимлари ўртасидаги қарз мажбуриятлари билан боғлиқ амалиётлар тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар таркибига киритилади ва тегишли равишда тўлов балансининг молия ҳисобида акс эттириб борилади.

Бизнинг фикримизча, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар портфель инвестициялардан, яъни инвестицион портфелнинг диверсификацияси ва даромадлилик даражасини таъминлаш мақсадида акциялар ва бошқа қимматли қоғозларга йўналтирилган инвестициялардан қатъий фарқланган бўлиши лозим. Мол-мулкни сотиб олиш ва корхонани бошқаришда овоз бериш ҳукукига эга бўлишдан манфаатдорлик тўғридан-тўғри хориж инвестицияларининг ўзига хос хусусиятидир. Айнан шу хусусият тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни портфель инвестициялардан ажратиб туради. Аксарият ҳолларда портфель инвестициялар иқтисодиётдаги умумий капитал фондини кўпайтирмайди, бундай инвестиция натижасида фақат мулк эгаси ўзгаради. Шулардан келиб чиққан ҳолда, “тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар - бу чет эл инвесторлари томонидан миллий иқтисодиётдаги тадбиркорлик ва бошқа фаолият субъектларига киритиладиган молиявий, моддий ва номоддий неъматлар ва уларга доир ҳуқуқлар бўлиб, улар фойда олиш ёки узоқ муддатли манфаат кўриш мақсадини ўзида акс эттирувчи халқаро инвестиция категориясидир”, деб таъриф бериш лозим.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни эътироф этиш ва тегишли равишда ҳисобга олиш турли мамлакатларда турлича амалга оширилади. Халқаро валюта жамғармаси ҳамда Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти статистик конвенцияларда тўғридан-тўғри хорижий инвестиция сифатида тан олиш мақсадида корхонанинг устав фондидаги хорижий капитал

улуши камида 10 фоиз бўлишини ҳамда хорижий инвестор корхонани бошқаришда иштирок этиши лозимлигини қайд этадилар.⁷ Турли мамлакатларда устав фондидаги минимал кўрсаткич турлича белгиланган бўлиб, шу жумладан, Россия Федерациясида 10 фоиз, Ўзбекистонда эса 30 фоиз даражасида ўрнатилган. Бундай фарқларнинг мавжудлиги хорижий инвесторлар томонидан корхона фаолиятини бошқариш ёки ушбу жараёнга таъсир кўрсатиш имконияти турли мамлакатларда турли қонунлар ва корпоратив бошқарув амалиёти билан боғлиқлигини англатади.

Сўнгги бир неча ўн йилликлар мобайнида умуман тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва шу жумладан, ўтиш иқтисодиётини бошдан кечираётган мамлакатлардаги хориж инвестицияларига оид кўплаб назарий ва эмпирик тадқиқотлар амалга оширилди. Бундай мамлакатларда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқими уларни қабул қилаётган мамлакатдаги ва айти пайтда инвестор-мамлакатдаги турли омилларга ва жараёнларга боғлиқдир. Шу боисдан тўғридан-тўғри хориж инвестициялари бўйича универсал моделни тасаввур қилиш ўта мураккаб.

XX асрнинг ўрталарига қадар ривожланган мамлакатларда, авваламбор, Америка Қўшма Штатларида том маънодаги, яъни бутун дунёни қамраб олган илғор ишлаб чиқариш тармоғига эга бўлган трансмиллий корпорациялар (ТМК) шакллана бошлади. Ушбу корпорацияларнинг (масалан, Херох, IBM, General Electric, Dupont, General Motors ва Coca Cola) кенг миқёсли халқаро фаолияти ривожланган мамлакатлар олимларини ТМКларнинг тўғридан-тўғри хорижий инвестициялари соҳасидаги фаолиятини ўрганиш учун зарур эмпирик маълумотлар билан таъминлади.

1966 йилда француз олими Р.Вернон томонидан ишлаб чиқилган халқаро маҳсулот ишлаб чиқариш циклининг парадигмаси халқаро савдо ва хорижий инвестициялар ўртасидаги ўзгарувчан ўзаро боғлиқликни кўрсатади.⁸

⁷ Benchmark definition of foreign direct investments. – Paris: OECD Publications, 1999. - 8 p.

⁸ Vernon R. International trade and international investment in the product cycle // The quarterly journal of economics. – Harvard, 1966. – Volume 83. No.1. – pp. 190-207;

Унда Европадаги урушдан кейинги тикланиш даврида Шимолий Америка корпорациялари томонидан савдо ва инвестициялаш ҳажмининг ўсиши кўриб чиқилган. Концепциянинг ўзига хос хусусияти шундаки, унда халқаро иқтисодиёт элементлари (ташқи савдодаги ўзгаришлар ва ишлаб чиқариш тармоқларининг хорижга кўчирилиши) маркетинг назарияси (товарнинг ҳаётий цикли) билан уйғунлашган.

Ушбу назарияга мувофиқ товарнинг табиий ҳаётий цикли ва ҳаражатларнинг тегишли равишда ўзгариши корпорацияларга уч хил ечим йўлини кўрсатиб беради: товарни мамлакат ичида ишлаб чиқариш, уни экспорт қилиш ёки уни ишлаб чиқаришни хориж бозорларига кўчириш. Товарнинг ҳаётий цикли уч асосий босқичдан иборат: инновация, етуклик ва стандартлаштириш. Янги товарни ишлаб чиқарган компаниялар уни бозорга киритиш даврида маҳаллий бозорда маълум давр мобайнида ҳоким бўлиб, бу уларга НИОКРга инвестициялаш ва маркетинг мақсадларига сарфланган ҳаражатларнинг бир қисмини қоплаш имконини беради. Товар ўз ҳаётий циклининг иккинчи ва учинчи босқичига ўтар экан, ўз рақобатчилари билан муваффақиятли курашиш учун компания халқаро майдонга чиқиш стратегиясини қўллашга мажбур бўлади. Зеро, товар бозор учун ўз янгилигини йўқотиб, етуклик босқичига қадам кўяр экан, одатда компания уни экспорт қилиш йўллариини излай бошлайди. Ана шу босқичда рақобат ҳам анча жиддийлашиб, бу маҳсулотга кўпроқ сарф-ҳаражат қилинишига ва даромад тушиб кетишига олиб келади. Оқибатда, стандартлаштириш босқичида компания ишлаб чиқаришни бошқа, иложи борича йирикроқ мамлакатларга жойлаштириш йўллариини топиши лозим бўлади. Мазкур босқичда компаниялар ўз етакчилигини сақлаб қолиш истагида келажакда бу товарни у дастлаб пайдо бўлган маҳаллий бозорга қайта экспорт қилиш имконияти билан хорижга инвестициялашни амалга оширади.

Ушбу фикр шаклланиб бўлганидан сўнг, мазкур назария Америка корпорацияларининг ишлаб чиқаришни чет элга кўчириш юзасидан қабул қилинаётган қарорларида ўз изоҳини топди. Модомики, йирик корпорациялар

ва уларнинг рақобатчилари хорижий филиалларга эга эканлар, рақобат маҳаллий бозордан халқаро бозорга кўчиб ўтди. Янги бозорларни эгаллаб олишда етакчи корпорациялар стратегик бирлашувлар ҳосил қилиб, улар маҳаллий компанияларни «ютиб» юборяптилар. Бу янги бозор ва технологияларга эришишни таъминлаш билан бирга, компанияларга бозор мавқеини сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш учун зарурдир. Ҳукуматнинг иқтисодиётдаги роли ва рағбатлантирувчи механизмлар (масалан, 1980-йиллар охирида Буюк Британиянинг тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни рағбатлантириш стратегияси) ҳам инвесторлар томонидан қабул қилинадиган қарорларга жиддий таъсир кўрсатади. Бугунги кунда кўплаб ТМКлар ўзаро акцияларга эгаллик қилишнинг ягона тизимини яратиб, бир вақтнинг ўзида бир нечта мамлакатда савдо ва инвестиция стратегиясини амалга оширмақдалар.

Ўтган асрнинг 70-80-йилларида АҚШдан ташқарида, айниқса Европа иттифоқида қудратли ТМКлар пайдо бўла бошлаб, сўнгги пайтда бундай корпорациялар Жануби-Шарқий Осиё ҳамда Лотин Америкасининг ўсиб келаётган иқтисодиётларида ҳам юзага келмақдалар. Бугунги кунда АҚШ ТМКлари жиддий рақобатга дуч келдилар ва саноатнинг деярли барча тармоқларида уларнинг сўзсиз етакчилик қилган даври яқунланган кўринади. Ушбу назария доирасида мамлакатлар ва миллий иқтисодиётлар ўртасида аввалроқ юзага келган иерархик муносабатлар ўзгариб бормоқда. Бироқ мазкур назария тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш учун масъул давлат органлари ва идораларини ҳаётий циклни таҳлил қилишни муайян товарга, кенг товар гуруҳларига, тармоқлар ва технологияларга нисбатан глобал даражада тадбиқ этишни рағбатлантиради. Мазкур назария саноатнинг етакчи тармоқлари (масалан, машинасозлик, фармацевтика, юксак технологияли кимёвий ишлаб чиқаришлар, юк ташиш, аэрокосмик мажмуа) ҳамда илғор технологиялар (масалан, микроэлектроника, янги материаллар, биотехнологиялар) ҳаётий циклининг босқичларини тадқиқ этиш ва мониторингини ўтказишда жиддий ёрдам бериши мумкин.

ТМКларнинг ўсиши сабаблари ва уларнинг ишлаб чиқаришни хорижга кўчириш тўғрисидаги қарорлари С.Г.Хаймер томонидан 1960 йилда таҳлил этилган эди.⁹ Унинг тадқиқоти қуйидаги фикрга асосланганди: хорижлик инвесторлар бозорнинг номукаммаллигидан фойдаланишга интиладилар, чунки хорижга қилинадиган ишлаб чиқариш инвестициялари маҳаллий бозордаги инвестицияга нисбатан юқори таваккалчилик ва ҳаражатлар билан боғлиқ. Бундан ташқари, техник ва ташкилий масалалар, шу жумладан, хориждаги филиал ва корхоналарни бошқариш, маркетинг фаолиятини ташкил этиш ва маданий тўсиқлар билан боғлиқ ҳаражатларни қоплаш учун қўшимча инвестициялаш талаб этилади. Шу боисдан, хорижга инвестиция киритаётган фирма ва компаниялар ўзига хос устунликка эга бўлишлари, амалда эса бозордаги номукаммалликлардан фойдаланишлари лозим.

Киндльбергер (1969 йил) мазкур ғояни янада ривожлантириб, бозорнинг номукаммаллиги туфайли ТМКга муваффақият келтирадиган тўртта бош омилни ажратиб олди. Булар қуйидагилардир:¹⁰

— фирмаларнинг товар сиёсати билан боғлиқ номукаммалликлар, яъни маркетинг технологияси, савдо маркаси ва товарлар ўртасидаги фарқланиш;

— ишлаб чиқариш омиллари билан боғлиқ номукаммалликлар, яъни ишлаб чиқариш устидан тўғридан-тўғри назорат ўрнатиш, ўз технологиялари, ишчи-ходимлар малакаси, капитал бозорларига имтиёзли кириш имконияти;

— ички ва ташқи тежамкорликдан кенг кўламда фойдаланиш имконияти (кўлам самараси);

— давлат иқтисодий сиёсати ва унинг бозорга таъсири.

⁹ Hymer S. The international operations of national firms: a study of foreign direct investment // Journal of Development Economics. Cambridge, 1977. - Volume No.4. - pp.387–400.

¹⁰ The nature of the transnational firm / C. Pitelis, R. Sugden, J. Cantwell etc.; - London: Routledge, 1991. - 16-63 pp.

ТМКларга нисбатан монополистик рақобат назариясини қўллаш ишлаб чиқариш омиллари, истеъмолчилар, шунингдек халқаро ишлаб чиқариш доирасида кенг қўламли тежаш, дистрибуция ва таъминот каби масалаларнинг тадқиқ этилишига олиб келди. Бизнинг фикримизча, ушбу назариядан ТМКларнинг ҳам маҳаллий, ҳам хорижий бозорларда муваффақиятли фаолият кўрсатишига кўмаклашадиган омилларни ўрганишда фойдаланиш мумкин.

Книккербокер (1973 йил) тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва олигополистик муҳофаза ғоясини илгари сурди. Унинг фикрига кўра, кучли рақобат ҳукм сурган соҳаларда бозор тузилмаси ва етакчининг ҳаракатлари рақобатчи фирмалар томонидан тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни амалга ошириш суръатини белгилаб берадиган муҳим омил ҳисобланади. Унинг тадқиқотида 1948-1967 йиллар давомида 187 та АҚШ корпорациясининг халқаро фаолиятини ўрганилган бўлиб, олигополистик тармоқларда хорижга инвестицияларни амалга оширган етакчи фирмалар ортидан уларнинг маҳаллий рақобатчилари ҳам бориши намоён бўлди.¹¹ «Етакчи кетидан эргашиш» стратегиясининг амалга қўлланилиши 45 фоиз ҳолларда дастлабки инвестиция киритилгандан кейинги уч йил давомида, 75 фоиз ҳолларда эса етти йил мобайнида кузатилган.

Шу билан бирга айтиш жоизки, концентрациялашув даражаси юқори бўлган тармоқларда (мисол учун, энергетика ва металлургия) бу каби стратегия камдан-кам учраб, нархлар тушиб кетишига ва барча олигополистлар учун йўқотишлар келтирадиган рақобат курашидан кўра етакчилар бозорни ўзаро тақсимлаб олишни афзал кўрадилар.

Грэм (1978 йил) мазкур моделни бирмунча такомиллаштириб, европалик ТМКларнинг АҚШдаги инвестициялари билан боғлиқ қарорларини изоҳлашга

¹¹ The nature of the transnational firm / C. Pitelis, R. Sugden, J. Cantwell etc.; - London: Routledge, 1991. - 16-63 pp.

ҳаракат қилди.¹² Олимнинг фикрига кўра, мазкур инвестицияларнинг бош мақсади АҚШ ҳудудида европалик рақобатчилар билан «курашиш» эмас, балки Америка компанияларининг Европадаги стратегиясига қаршилик кўрсатишдан иборатдир. Маҳаллий бозордаги «Америка хавфини» бартараф қилиш мақсадида европалик фирмалар ҳалқаро майдонга чиқишга қаратилган чора-тадбирларни қўллади. Байналмилаллаштиришга қаратилган интилишларини яқунладилар. Шундай қилиб, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар дастлабки босқичларда ҳамisha ҳам аниқ-равшан иқтисодий фойда олишни кўзламай, балки маҳаллий бозорда ва хорижда асосий рақобатчиларини «енгишга» қаратилган жавоб чоралари сифатида қаралиши ҳам мумкин. Бундай моделнинг замонавийлаштирилган кўриниши бугунги кунда ҳам амалда бўлиб, у тахминан бир хил иқтисодий тараққиётга эришган мамлакатлар, хусусан АҚШ, Европа ҳамда Японияда вужудга келган молиявий жиҳатдан қудратли компанияларга нисбатан қўлланиши мумкин.

Интернализация ғояси (ингл. Internalization - барча технологиялар ва ноу-хауларни бирлаштириш) йирик корпорацияларнинг тўғридан-тўғри инвестициялари билан уларнинг бизнес-функциялари ўртасидаги интеграциялашувни акс эттиради. Бозор номукамалликлари мавжуд бўлишини кўзда тутадиган мазкур ғоя 70-йилларнинг иккинчи ярмида Рединг университетининг (Буюк Британия) икки иқтисодчиси – П.Баккли ва М.Кассон томонидан изоҳланган. Мазкур назарияга (1976 йил) мувофиқ, яхлит ички тузилмани шакллантирган йирик фирмалар ўз фаолиятини хорижда кенгайтиришлари учун кенг имкониятларга эга.¹³ Улар аввалги назарияларни (хусусан С.Хаймер ва Ч.Киндльбергер томонидан ишлаб чиқилган назарий концепцияларни) ишлаб чиқаришнинг тутган ўрнига жуда катта эътибор бериб, компанияларнинг етакчи ўринларни эгаллаши ва ўз фаолиятини хорижий бозорларга кенгайтириш имконини берадиган бошқа ноёб

¹² Graham E. Transatlantic investment by multinational firms: a rivalistic phenomenon? // Journal of post keynesian economics. – New York, 1978. – Volume 1, No. 1. – pp. 82-99;

¹³ Meyer K. Direct Investment in Economies in Transition. – Cheltenham: Edward Elgar, 1998. – 308 pp.

устунликларни (хусусан, фаолиятни халқаро миқёсда ташкил этиш ва бошқариш, маркетинг ва таъминот хизматини йўлга қўйиш, юқори савиядаги молиявий менежментни таъминлаш кабиларни) етарли даражада инобатга олмаганликда айбладилар. Бизнинг фикримизча, халқаро майдонда муваффақиятли фаолият кўрсатиш ва рақобатбардошликни таъминлаш ТМКлар учун ишлаб чиқариш омилларининг ўзигина етарли бўлмасдан, балки бошқариш ва маркетинг ноу-хаусини, бошқа интеллектуал мулк билан боғлиқ устунликларни интерналлаштириш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Амалда интерналлаштириш жараёнида НИОКР харажатлари юқори бўлиб, капитал талаб қиладиган ишлаб чиқариш (кимё саноати, автомобилсозлик) ҳамда компонент ва ярим тайёр маҳсулот кўринишидаги катта миқдорда оралиқ товарлар (маиший электроника, фармацевтика) мавжуд бўлган барча саноат секторларига хосдир. Илғор хорижий инвестиция агентликлари (масалан, Тайвань ва Сингапурдаги инвестицияларни рағбатлантириш департаментлари) НИОКРга қилинган катта харажатлар ва трансмиллийлаштириш имкониятларини ўзаро боғлайдилар. Танлаш имконияти бўлган ҳолларда эса улар НИОКР учун айланма маблағининг каттароқ қисмини сарфлайдиган ТМКларни афзал кўрадилар. Ўзига хос соҳаларни ривожлантириш учун янги ТМКларни жалб этишда ҳам ана шундай муносабат қўлланилади. Кўриб чиқиладиган назария шунингдек, кончилик ва деҳқончилик соҳаларида, шу билан бирга хизмат кўрсатиш соҳасида компаниялар юритаётган байналмилаллаштириш стратегиясини англаб етишга кўмаклашиши мумкин..

М.Портер ТМК стратегиялари билан инвестицияларни жалб қиладиган мамлакатларнинг рақобатчилик устунлиги ўртасидаги боғлиқликни мавжудлигига эътиборни қаратади. Бизнинг фикримизга кўра, ушбу назария баъзи олимлар (жумладан, Ж.Даннинг) томонидан танқид қилинганлигига қарамасдан, рақобат устунлигининг асосий омилларига эътибор бергани ҳолда трансмиллий компаниялар фаолиятини чуқурроқ ўрганишга кўмаклашади, яъни:

1. Корпоратив стратегия, тузилма ва рақобат: бошқарув ва етакчилик маҳорати, компания мақсадлари, бизнеснинг янги йўналишларини ташкиллаштириш, тадбиркорлик, капитал билан таъминланганлик ва ҳақозо;

2. Мавжуд омиллар, хусусан инсон ресурслари, билим, капитал, инфратузилма каби омиллар ҳолати;

3. Мамлакатдаги талаб (бозор) ҳажми, унинг ўсиш суръатлари, истеъмолчиларнинг табақалашуви ва тавсифи;

4. Кўмакчи ва кўшимча тармоқлар мавжудлиги.

Саноатда тараққий этган кўмакчи тармоқларнинг мавжудлиги тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар учун муҳим белгиловчи омил бўлиб хизмат қилади. Масалан, замонавий озиқ - овқат саноатини ривожлантириш аграр соҳа маҳсулотлари (сут, гўшт, зираворлар, консервантлар ва бошқалар), тегишли ҳажмдаги ўраш ва қадоклаш ускуналари, замонавий чакана савдо тизими мавжудлигига боғлиқ; автомобилсозликни тараққий этиши учун эса алоҳида қисмлар ва агрегатларни (пластмасса деталлар, двигателлар, аккумуляторлар ва бошқаларни) ишлаб чиқарадиган корхоналар кўмаги зарур бўлади. Фақат умумий ёндашув ёрдамидагина саноатда рақобатбардошликни ошириб, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш имкониятига эга бўлиш мумкин.

Халқаро тажриба шуни кўрсатмоқдаки, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишга қаратилган сиёсат етакчи тармоқлар атрофида кичик стратегик секторларни ривожлантиришга йўналтирилиши керак. Ҳукумат тараққий эттиришни мақсад қилиб қўйган ҳар бир устувор саноат тармоғи учун маҳаллий талаб ва таклиф ҳолати синчиклаб ўрганилиши лозим. Шу боисдан тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва хорижий инвестор фаолиятини тартибга солиш ишларини иқтисодий сиёсатнинг саноат, кичик бизнес ва солиққа тортиш каби жабҳалари билан биргаликда амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади. Бундай мувофиқлаштирилган сиёсатни амалга ошириш мақсадли равишда тегишли

тармоқ ва минтақаларга хорижий инвестицияларни жалб этиш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларга доир макроиқтисодий назария Кожима (1973 йил, 1990 йил) ва Озава (1984 йил) ишларида баён этилган. Унга кўра япон фирмалари томонидан амалга оширилган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар даставвал савдога мувофиқлашган бўлиб, қиёсий устунлик тамойили талабларига жавоб берадилар. Ўз навбатида АҚШ компанияларининг хориждаги инвестициялари эса даставвал олигополистик бозор тузилмаси доирасида амалга оширилиб, савдога қарши инвестициялар турига киради, ҳамда мамлакат иқтисодиёти учун салбий оқибатлар келтириши эҳтимоли юқорилигини таъкидлайди.¹⁴ Кожима ҳақиқатда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оралиқ маҳсулотлар билан савдо қилиш учун самарали восита сифатида ишлаши керак, деб ҳисоблайди, бироқ бундай инвестициялар вақти ва уларнинг йўналишини бозор кучлари таъсирида белгиланиши лозимлигини алоҳида таъкидлайди.

Ж.Данинг (1997 йил) томонидан ишлаб чиқилган халқаро ишлаб чиқаришга оид эклектик назария тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва халқаро ишлаб чиқариш масалаларини тадқиқ этишда индустриал ёндашув, жойлашув ва интерналлаштириш каби назарий концепциялардан биргаликда фойдаланади.¹⁵ Ушбу назарияга мувофиқ, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни амалга ошириш учун уч шарт бўлиши талаб этилади. Биринчидан, фирма қабул қилаётган мамлакат бозорида бегона бўлганлиги сабабли юзага келадиган ноқулайликларни енгиш мақсадида мулкрий устунликларга эга бўлиши шарт. Мулк нуқтаи назаридан устунлик уч хил кўринишдаги барқарор-муайян активлар, жумладан, ишлаб чиқариш технологияси, ташкилий ресурслар ва маркетинг усулларига эгалик қилишдан

¹⁴ Meyer K. Direct Investment in Economies in Transition. – Cheltenham: Edward Elgar, 1998. – 308 pp.

¹⁵ Dunning J. Trade, location of economic activity and the MNE: a search for an eclectic approach. // The International Allocation of Economic Activity / Edited by B.Ohlin and P.O. Hesselborn. – London: Macmillan, 1977. - pp. 395-418.

иборатдир. Иккинчидан, қабул қилаётган мамлакат ички бозорга хизмат кўрсатиш ёки экспорт базаси сифатида фойдаланиладиган хориж инвестициясини жалб этиш учун муайян устунликларга эга бўлиши лозим. Бу устунлик улкан ва имкониятлари кенг ички бозор, малакали аҳоли, паст транспорт харажатлари, инвестицияни рағбатлантириш, сиёсий ва макроиқтисодий муҳитнинг барқарорлиги каби омилларни ўз ичига олиши мумкин. Ушбу омиллар қабул қилувчи мамлакатнинг тараққиёт босқичи, иқтисодий сиёсат ва саноатлаштириш стратегиясига узвий боғлиқдир. Учинчидан, интерналлаштириш устунликлари шундан далолат берадики, мулкчилик ва жойлашув омиллари муайян мамлакатда тўғридан-тўғри инвестицияларни амалга оширишга туртки бўлганда, фирма мазкур устунликларни ўз ичига сақлаб қолиш уларни хорижий фирмаларга сотиш ёки лицензиялашга нисбатан фойдали эканлигидан далолат беради.

Шундай қилиб, эклектик назария фирма бир вақтнинг ўзида барча уч устунликдан фойдалана олган тақдирда хориж бозорида тўғридан-тўғри инвестициялар ёрдамида муваффақиятли иш юритиши мумкинлигидан далолат беради. Масалан, фирма фақат мулкчилик ёки жойлашув нуқтаи-назаридан устунликка эга бўлса, у хорижий бозорда экспорт ёки франчайзинг каби ўзгача хизмат кўрсатиш услубларини қўллаши мумкин бўлади.

Бизнинг фикримизча, тўғридан - тўғри хорижий инвестицияларга оид назарий концепциялар трансмиллий корпорацияларнинг халқаро инвестиция фаолияти ва уларнинг миллий иқтисодиёт тараққиётига таъсирини тадқиқ этишда муҳим аҳамият касб этади. Улардан ўринли фойдаланиш ТМКларнинг иш юритиши, стратегияси ва инвестицияларга оид қарорлар қабул қилиш жараёнини ўрганиш орқали тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишни фаоллаштириш учун учун самарали иқтисодий сиёсат воситаларини қўллашга имконият яратади. Айрим назарияларнинг қоидалари ўтиш даври иқтисодиётини бошдан кечираётган мамлакатларга бу борадаги сиёсатнинг самарали воситаларини қўллаш ҳамда хорижий инвестициялар оқимини кўпайтириш мақсадида ишлатилиши мумкин. Хусусан, товарнинг табиий

хаётий цикли назарияси асослари тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш учун масъул давлат органлари ва идораларини ҳаётий циклларни кенг товар гуруҳлари, тармоқлар ва технологияларга нисбатан глобал даражада қўлланилиши мумкин. Мазкур назария саноатнинг етакчи тармоқлари (масалан, машинасозлик, фармацевтика, юксак технологияга асосланган кимё саноати, тўқимачилик ва енгил саноати) ҳамда илғор технологиялар (масалан, микроэлектроника, янги материаллар ёки биотехнологиялар) ҳаётий циклининг босқичларини тадқиқ этиш ва мониторингини ўтказишда жиддий ёрдам бериши мумкин. Шунингдек, халқаро ишлаб чиқаришга оид эклектик назариясидан тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилишда ТМҚлар (ишлаб чиқариш технологияси, ташкилий ресурслар ва маркетинг усулларига эгаллик каби мулкӣ устунликлар) ҳамда миллий иқтисодиётнинг (ички бозорга хизмат кўрсатиш ёки экспорт базаси сифатида фойдаланиладиган жойлашув устунликлари, жумладан кенг ички бозор, малакали ишчи кучи, паст транспорт ҳаражатлари, инвестицияни рағбатлантириш, сиёсий ва макроиқтисодий муҳитнинг барқарорлиги каби омиллар) қиёсий устунликларини мунтазам мониторинг қилиб боришда фойдаланиш мумкин.

1.2. Миллий иқтисодиётга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишнинг зарурати ва унинг иқтисодий асослари

Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар миллий иқтисодиёт учун муҳим аҳамиятга эга бўлиб, улар ички жамғармалар даражасидан юқори миқдорда инвестицияларни амалга ошириш, тўлов балансини қўллаб - қувватлаш ва шунингдек экспорт имкониятини кенгайтириш орқали иқтисодий тараққиётга ижобий таъсир кўрсатиши мумкин. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар алоҳида корхоналар фаолияти учун ишлаб чиқариш ва капитал самарадорлигини ошириш, янги технологияларни жорий этиш ва менежмент тизимини такомиллаштиришда ҳам муҳим ўрин тутади. Ушбу жараёнлар мамлакатдаги бошқа ишлаб чиқарувчилар, буюртмачилар ва рақобатчиларга билвосита таъсир кўрсатиши орқали ички истеъмол ва капитал бозорларининг таркиби ва ривожланишига, шунингдек, ишчиларнинг кўникмалари ва амалий тажрибасини оширишга ёрдам беради.

Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаги¹⁶, миллий иқтисодиётнинг тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва улардан фойдаланиш самарадорлиги ички ва ташқи бозорнинг ҳажми, табиий ва минерал ресурслар билан таъминланганлиги, малакали ишчи кучи мавжудлиги, замонавий транспорт ва бозор инфратузилмасининг шаклланганлиги, макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсиш суръатлари каби кўплаб омиллар билан чамбарчас боғлиқдир.

Аксарият ҳолларда бозорнинг иқтисодий салоҳияти ички бозор ҳажми (ялпи ички маҳсулот) ҳамда узоқ муддатни кўзлаган бозор жозибadorлиги (иқтисодий ўсиш суръатлари) билан ўлчанади.¹⁷ Маҳалий бозорнинг катта ва ўсишга мойиллиги хорижий инвесторга дастлабки ҳаражатларни оқлаб, ишлаб

¹⁶ Lankes H.P., Venables A.J. Foreign Direct Investment in Economic Transition: the Changing Pattern of Investments. // Journal of Economics of Transition. – London, 1996. - Volume 4, No. 2. - pp.331–347.

¹⁷ Meyer K. Direct Investment in Economies in Transition. – Cheltenham: Edward Elgar, 1998. – 308 pp.

чиқаришни кенгайтириш ва келгусида фаолиятини янада кенгайтириш учун шарт-шароит яратади. Хорижий инвесторлар нафақат маҳаллий, балки экспорт бозорининг имкониятларини ҳам ҳисобга оладилар.¹⁸ Маълумки, 1990 йиллар бошларида қатор Шарқий Европа мамлакатларининг Европа Иттифоқига аъзо бўлиш истиқболи Европа бозорларига экспорт учун мўлжалланган кўплаб лойиҳаларни амалга оширилишида муҳим омил бўлди.

Ишлаб чиқариш омилларининг кам харжлиги минтақага тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этишда муҳим аҳамиятга эга. Баъзи бир иқтисодчиларнинг фикрига кўра мазкур омил айниқса ишчи кучи харажатлари маҳсулот таннархида жиддий акс этадиган ишлаб чиқариш тармоқларида, яъни кўп меҳнат талаб этувчи қайта ишлаш соҳалари учун муҳим ўрин тутади. Биз ушбу фикрга қисман қўшилган ҳолда шуни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчимизки, ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида иш ҳақининг пастлиги хорижий инвестиция жалб қилиш учун етарли шарт бўла олмайди. Инвесторлар учун меҳнат самарадорлиги кўпроқ аҳамият касб этади. Шу боисдан ўтиш иқтисодиёти мамлакатларига инвестиция жойлаётган тадбиркорлар иш ҳақи ва меҳнат самарадорлига эътибор қаратадилар.

Импорт йўлида савдо тўсиқлар мавжудлиги ва ички бозорнинг муҳофазаланганлиги ички бозорга хизмат қилишни мақсад қилган инвестицияларни ўзига жалб қилади. Кўп ҳолларда бозорга кириб бориш қаршисидаги тўсиқлар ва номукамал рақобат чет эл инвестицияларини амалга ошириш йўлидаги муҳим омиллардан бири бўлади.¹⁹ Бу ўринда шу назарда тутилмоқдаки, импорт қилиш учун мавжуд юқори солиқ ва тарифлар хорижий инвесторлар томонидан савдо тўсиқларини «четлаб ўтиб» бизнес лойиҳаларини бевосита ички бозорда амалга ошириш иштиёқи пайдо бўлади. Бироқ биз шуни

¹⁸ Krkosa L. FDI financing of capital formation in Central and Eastern Europe. – London: EBRD working paper No. 67, 2001. - 20 p.;

¹⁹ Moran T.H. Foreign direct investment and development: the new policy agenda for developing countries and economies in transition. – Washington: Institute of international economics, 1998. – 191 pages.

ҳам эътиборга олишимиз лозимки, бундай йўл орқали катта ҳажмда хорижий инвестицияларни жалб этиш имконияти фақат йирик ички бозорга ёки экспорт қилиш потенциалига эга бўлган иқтисодиётларга хосдир.

Бой табиий ресурслар ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг муҳим детерминанти ҳисобланади. Хусусан, Россия, Озарбайжон ва Қозоғистон ўзларининг улкан нефт ва газ ресурслари туфайли жуда катта миқдорда чет эл инвестицияларини жалб этишга эришдилар. Йирик инвестиция лойиҳалари шунингдек Ўзбекистон ва Туркманистоннинг тоғ-кон ва нефт-газ соҳаларида ҳам амалга оширилмоқда. Ушбу тармоқларда инвестицион лойиҳалар иқтисодиётдаги эркинлаштириш ва бозор ислоҳотлари жараёни тугалланмаган, яъни инвестиция билан боғлиқ таваккалчилик даражаси нисбатан юқори бўлган шароитда амалга оширилмоқда. Бу эса табиий ресурслар билан боғлиқ инвестициялар аксарият ҳолларда қайта ишлаш тармоқлардаги лойиҳалардан фарқ қилишидан далолат беради. Мисол тариқасида келтириш лозимки, Ўзбекистон иқтисодиётида Россиянинг Лукойл ва Газпром, Малайзиянинг Петронас, Хитойнинг CNPC каби компаниялари томонидан нефт ва газ саноатида амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари асосан экспорт бозори эҳтиёжини кўзлаган ва даромаднинг асосий қисми эркин конвертацияланувчи валютага тўғри келади. Бу эса инвестиция ва валюта таваккалчилигини камайтириш учун муҳим аҳамиятга эга. Халқаро молия институтлари ва хорижий компаниялар билан тузилган шартнома ва битимлар асосида 2011 йилда иқтисодиётимизнинг реал секторига 3 млрд.дан ортиқ инвестиция киритиш кўзда тутилмоқда. Шунини таъкидлаш керакки, бу маблағнинг 2,2 млрд.дан ортиғи ёки 73 фоиздан зиёдини тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари ташкил этади.²⁰

Хорижий инвесторлар иштирокини кенгайтириш билан боғлиқ жараённи фаоллаштиришда солиқ имтиёзлари муҳим рағбатлантирувчи чоралардан бири

²⁰ Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Халқ сўзи, №16, 22.01.2011й.

деб қаралади. Ушбу омилнинг аҳамияти сўнги йилларда турли мамлакатлар ўртасида хорижий инвестицияларни жалб этиш учун рақобат кураши қизиши оқибатида бир мунча кўтарилди. Бугунги кунда кўплаб мамлакатлар муваққат чора сифатида мамлакатда қулай инвестиция муҳитини юзага келтириш мақсадида хорижий инвесторлар учун алоҳида имтиёз ва рағбатлар тизимини жорий этмоқдалар.

Ўтиш даврининг дастлабки йилларида аксарият Шарқий Европа ва МДҲ мамлакатлари хорижий инвесторлар учун кўплаб солиқ имтиёзлари тақдим этган бўлиб, одатда 2 йилдан 5 йилга қадар давом этган солиқлардан озод этилиш даври кенг тарқалган эди. Бироқ бу имтиёзлар қўлланишининг дастлабки даври турли мамлакатларда турлича белгиланар эди. Польшада бу таъриф остида корхона фаолиятининг бошланиши тушунилса, Россия ва Руминияда - дастлабки даромад олган йили, Чехияда эса корхона давлат рўйхатидан ўтган вақт ҳисоб боши саналган. Бунга қўшимча равишда, баъзи мамлакатлар хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар даромадига камайтирилган солиқ ставкаларини қўллаш каби имтиёзларни ҳам қўллаб, одатда бу кўрсаткич белгиланган ставканинг 15 фоизидан 20 фоизигача ташкил этарди.

Ўтиш шароитини бошидан кечираётган мамлакатлар солиқ тизимининг ўзига хос жиҳатларидан бири солиқ имтиёзлари беришда асосий эътибор солиқ солинадиган базага эмас, балки солиқ ставкаларига берилишида эди. Хусусан, кўпгина мамлакатларда солиққа тортилмайдиган харажатлар тоифасига реклама харажатлари, хизмат сафари сарфлари, шунингдек қайтариб олишнинг имкони бўлмаган қарзларни киритиш имконияти кескин чекланган бўлса, бу нарса аксарият ривожланган мамлакатларда одатда рухсат этилади. Зарарларни навбатдаги солиқ даврига кўчириш меъёри ҳам одатда анча чекланган бўлиб, асосий воситаларнинг жадал амортизациясини солиқ мақсадларида қўллаш кўп мамлакатларда рухсат этилмайди.

Инвесторларни жалб қилишда солиқлар орқали рағбатлантиришдан республикамизда ҳам кенг фойдаланилади. Шу ўринда, республикамизда турли имтиёзлар ёрдамида хорижий инвестицияларни саноатнинг устувор соҳалари ёки минтақаларга йўналтириш мақсадида хусусий хорижий инвесторлар учун берилган солиқ имтиёзларини келтириш лозим.²¹ Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилган рағбат ва имтиёзлар ёрдамида хорижий инвестицияларни ортиқча иш кучи бўлган вилоятларда жойлаштириш кўламига таъсир ўтказиш ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятдан маҳаллий корхоналарга «билим кўчиши»нинг (жумладан, локализация механизми орқали маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ва хизмат кўрсатувчи корхоналарга янги технология ва кўникмаларни киритилиши) ижобий самарасини кучайтиришга эга бўлади.

Бозор институтларининг ривожланмаганлиги хорижий инвесторларнинг минтақадаги фаолияти учун жиддий масала ҳисобланади. Мазкур бозорларга кириб келаётган хорижий инвесторлар ўз ҳамкорлари ва бозор иштирокчилари хусусида ҳолисона ахборот ва маълумотлар танқислигига, шу билан бирга тартибга солиш жараёнининг чигаллигига дуч келадилар. Бизнесга ва уни юритишга кўмаклашиш чоралари бирдай муҳим ўрин тутди. Булар қаторига инвестицияга кўмаклашиш, инвестиция рағбатлари, инвестициядан кейинги хизматлар, мамлакатда бизнес билан шуғулланиш сарф-ҳаражатларини қисқартиришга қаратилган чора-тадбирларни такомиллаштиришни киритиш мумкин. Инвестициядан кейинги хизматлар шуниси билан ажралиб турадики, улар мавжуд инвесторлар томонидан қайта инвестициялашни рағбатлантириши мумкин, бу эса мамлакат учун янги инвесторларни жалб этиш борасида яхши реклама бўлиб хизмат қилади.

²¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 апрелдаги «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-3594 сонли фармони.

Валюта муомаласи соҳасидаги сиёсат хорижий инвесторлар фаолияти учун муҳим аҳамиятга эга. Бунда маҳаллий валютанинг конвертациялануви ва валюта курси сиёсатига асосий эътибор берилади. Миллий валютани хорижий валютага айирбошлаш инвесторларга эҳтиёт қисмлар олиб келиш, дивидендларни олиб чиқиш, роялти ва бошқа тўловларни амалга ошириш учун зарур. Капитални олиб чиқиб кетиш устидан назорат мавжуд бўлган шароитда хорижий инвесторларга даромад олишнинг бошқа усуллари таклиф этган ҳолдагина самара бериши мумкин. Бироқ аксарият ҳолларда бундай назорат ТМКларни рағбатлантирмайди, балки салбий таъсир этади. Бунинг устига, хорижий тадбиркорлар кўп ҳолларда олинган даромадни олиб чиқиб кетиш устидан ўрнатилган назоратни чеклаб ўтишлари ҳам мумкин. Шу сабабли, 1990-йилларнинг ўрталаридан бошлаб ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этиш мақсадида миллий валютани конвертациялаш ҳамда капитал репатриациясига чекловларни камайтирдилар. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 2003 йилда қабул қилинган янги таҳрирдаги “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги қонунга кўра, республикамизда чет эл инвестицияларини жалб қилиш ва уларни амалга ошириш билан боғлиқ операциялар чекловларсиз амалга оширилади.²²

Кўпгина мамлакатларда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун ишлаб чиқаришни жойлаштиришнинг локализация даражаси, умумий маҳсулот ҳажмидаги экспорт улуши, янги иш жойлари яратиш, маҳаллий кадрларни ишга олиш ва уларни ўқитиш, маҳаллий хом ашё материалларидан фойдаланиш каби талаблар кўйилган эди. Мазкур сиёсатни самарали амалга ошириш учун жиддий тажрибага эга бўлиш керак, чунки бу каби талаблар хорижий инвестициялар оқимини қисқартириши мумкин. Мазкур талабларни жорий этишда албатта мамлакатнинг рақобатбардошлигидан келиб

²² Ўзбекистон Республикасининг 2003 йилда қабул қилинган янги таҳрирдаги «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги қонунининг 8-моддаси.

чиқиш зарур. ТМКлар одатда вазият ўзгаришига сезгирлик билан жавобан ҳаракат қиладилар. Шунини инобатга олган ҳолда инвестициялар жалб этиш бўйича самарали давлат сиёсатини яратиш, айниқса муқобил имтиёзлар тизимини шакллантириш учун инвестициялар нуқтаи назаридан ТМКлар ҳатти-ҳаракатини аввалдан баҳолаб, кўра билиш зарур.

Мамлакатнинг катта ташқи қарзи мавжудлиги ҳам инвестиция нуқтаи назаридан салбий аҳамиятга эга. Бундай шароитда солиқларнинг оширилиши ҳамда ўсиб бораётган қарзни тўлаш мақсадида иқтисодий сиёсатни ўзгартириш эҳтимоли юқори бўлади. Масалан, катта ташқи қарзи бўлган мамлакатларда чет эл инвесторлари томонидан дивидендлар ва даромадларни олиб чиқиб кетишга чекловлар белгиланиши эҳтимоли ташқи қарз даражаси паст бўлган мамлакатлардагига нисбатан бирмунча юқорироқ бўлади. Бундан ташқари, катта ташқи қарз каби муаммоси мавжуд мамлакатларда барқарор бўлмаган валюта курси ва ички нарх-наво муаммоси ҳам мавжуд. Бунга мисол сифатида 1980-йилларда ташқи қарз кризиси юз берган Лотин Америкаси давлатлари ёки 1998 йил августида Россияда юзага келган молиявий инқирозни келтириб ўтиш мумкин.

Айрим иқтисодчиларнинг фикрига кўра, хорижий инвесторлар жалб этишга йўналтирган хусусийлаштириш сиёсати тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш ҳажмини сезиларли даражада ошириши мумкин.²³ Бизнинг фикримизча, хусусийлаштириш жараёнида инвестицияларни жалб қилиш мамлакатдаги бизнес юритиш ва инвестициялар учун яратилган муҳит билан ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлиб, бозор ислохотларини амалга оширишда муайян ютуқларга эришилган иқтисодиётларда хусусийлаштириш сиёсати воситасида йирик чет эл инвесторларини жалб этиш имконияти бошқаларга нисбатан анча юқори бўлади. Бундай ҳолда миллий иқтисодиётга маблағ жойлаш билан боғлиқ бозор хатарлари даражаси паст деб ҳисобланади.

²³ Шаюсупова Л.Р. Привлечение иностранных инвестиций в развитие телекоммуникационной сферы Республики Узбекистан: Автореферат диссертации на соискание ученой степени канд. экон.наук. – Ташкент: 2001. – 26 с.

Ўзбекистонда хусусийлаштириш бир қанча босқичларда амалга оширилиб, дастлаб кичик корхоналар, авваламбор хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари хусусий мулкка айлантирилди. Кейинчалик ўрта размердаги корхона ва объектларга эътибор қаратилиб, сўнгги йилларда йирик корхоналарни хусусийлаштириш жараёни давом этмоқда. Жумладан, 2005-2007 йилларда мўлжалланган давлат хусусийлаштириш дастурига кўра, кўплаб йирик корхоналарда хусусийлаштириш жараёни амалга оширилмоқда. Булар қаторига “Ўзбекистон почтаси” акциядорлик жамияти (34,8% акциялар пакети 2006-2007 йилларда Хитойнинг “Finex” компаниясига 5,17 млн.АҚШ долларига сотилди), Чирчиқ Электрохимпром заводи (49% акциялар пакети Испаниянинг “Махам” компаниясига 22 млн.АҚШ долларига сотилди), “Фарғона электр тармоқлари” акциядорлик жамияти (49% акциялар пакети 3,8 млн.АҚШ долларига), “Бухоро электр тармоқлари” акциядорлик жамияти (49% акциялар пакети 4,1 млн. АҚШ долларига) кабиларни киритиш мумкин.²⁴ Ўзбекистон Республикаси Давлат Мулк Қўмитаси маълумотларига кўра, 2006 йилда хусусийлаштириш жараёнида акцияларни сотиш ҳисобига жами 59,26 млрд.сўм жалб қилинган. Умуман олганда хусусийлаштириш жараёнининг инвестиция жалб қилиш, асосан хорижий инвестициялари жалб қилиш потенциалидан тўлалигича фойдаланилмаяпти. Хусусийлаштириш дастурига қатор йирик корхоналар киритилган бўлиб, амалда уларни янги инвесторларга сотиш ишлари айрим ҳолларда охирига етказилмаган. Бундай корхоналар қаторида “Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси (49% акциялари хорижий инвесторларга сотилиши мўлжалланган), “Ўзбекнефтгаз” миллий холдинг компанияси (49% акциялари) ва бошқаларни келтириш мумкин.²⁵

Хорижий инвестицияларини жалб этишда хорижий инвесторларга нисбатан ҳукумат сиёсати катта ўрин тутади. Бу борадаги сиёсатнинг асосий

²⁴ 2006 йилда хусусийлаштириш жараёнининг асосий кўрсаткичлари. Ўзбекистон Республикаси Давлат Мулк қўмитасининг расмий вэб-сайти www.gki.uz.

²⁵ Аввалги манба.

вазифалари бир қанча бўлиб, улар жалб этилаётган инвестициялар ҳажмини ошириш, инвестицияларнинг таркиби ва географик жойлашувига таъсир кўрсатиш, хорижий инвесторлар фаолиятини мамлакат иқтисодий сиёсати устувор вазифаларини таъминлаш, шу жумладан маҳаллий тармоқларни ривожлантириш, локализация даражасини ошириш кабиларни қамраб олади. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш лозимки, мустақиллик йилларида республикамизда хорижий инвесторлар фаолиятини рағбатлантирувчи муҳит яратиш борасида муҳим қадамлар қўйилди. Булар асосан бозорга кириб келиш, бизнесни юритиш, хорижий инвесторларнинг мол-мулкка эгалик қилиши ва бозорлар фаолияти қоидаларини эркинлаштиришга тегишлидир.

Эркинлаштириш сиёсати барча инвесторларга тегишли бўлиб, бозордаги барча иштирокчилар учун мақбул инвестиция муҳитини яратишга қаратилган. Шу билан бирга айрим ҳолларда маълум корхона ёки тармоқларга алоҳида имтиёзлар бериш амалиёти қўлланилиб, бундай чоралар инвесторларнинг даромад меъёрларини ошириш ёки ҳаражатлари ва таваккалчилик даражасини пасайтиришга қаратилгандир. Бу каби рағбатлар солиқ-бюджет имтиёзларини (масалан, корхоналар учун солиқ имтиёзлари, солиқдан муайян муддатга озод қилиш, импорт божларидан озод этиш), молиявий имтиёзлар (масалан, давлат кафолати билан кредитлар жалб қилиш, давлатнинг устав капиталидаги иштироки) ёки рақобатдан турлича ҳимоя воситаларини қамраб олади. Бундай чоралардан халқаро амалиётда ҳам кенг қўлланилиб келмоқда. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, ўтиш жараёнини бошидан кечираётган мамлакатларда умумий эркинлаштириш сиёсати хорижий инвестицияларни жалб этишда муҳим ўрин тутди.

Ўтказилган таҳлил натижасида ўтиш иқтисодиёти мамлакатларининг тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилишдаги жозибадорлигини белгилаб берадиган омилларни беш тоифага таснифлашни таклиф этамиз:

1. Бозор омиллари (ички ва экспорт бозори имкониятлари);

2. Бой табиий ресурслар мавжудлиги;
3. Ишлаб чиқариш ҳаражатлари омиллари;
4. Инвестиция муҳити ҳолати;
5. Мамлакат иқтисодий ривожланиш стратегияси.

Мамлакатнинг инвестиция жойлаш нуқтаи назаридан рақобатбардошлилигини белгилайдиган бозор омиллари ўз ичига маҳаллий ва экспорт бозори ҳажми, бозорнинг келажакда ривожланиш истиқболлари ва ишчи кучи каби омиллар қамраб олади. Кенг ҳажмли бозор ва иқтисодий ўсишнинг юқори суръатлари хорижий инвесторга ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш ва келажакда истиқболли бизнес режалар тузишга имкон беради ва бу ҳол хорижий инвесторларни жалб этмай қолмайди, албатта.

Чет эл инвестицияларини жалб этишда бой табиий ресурслар муҳим аҳамият касб этишини таъкидлаш лозим. Катта табиий бойликларга эга бўлган ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари учун «ўтиш» жиҳатлари нисбатан камроқ аҳамиятга эга. Ушбу тармоқларда инвестицион лойиҳалар иқтисодиётдаги эркинлаштириш ва бозор ислохотлари жараёни тугалланмаган, яъни инвестиция билан боғлиқ таваккалчилик даражаси нисбатан юқори бўлган шароитда амалга оширилмоқда. Бу эса табиий ресурслар билан боғлиқ инвестициялар аксарият ҳолларда қайта ишлаш тармоқлардаги лойиҳалардан фарқ қилишидан далолат беради.

Мамлакатлар ўртасида ишлаб чиқариш ҳаражатларининг ўртасида кескин фарқ қилиши инвестиция жараёнига албатта таъсир кўрсатади. Бундай фарқ айниқса меҳнатталаб, экспортга маҳсулот чиқаришга ихтисослашган ва йиғув саноат тармоқларида кўп учраб, бу соҳаларга инвестицияларни жалб этувчи сабаблардан бири бўлиб хизмат қилади. Шунини алоҳида таъкидлаш ўринлики, бу борада мамлакатнинг чет эл инвестицияларини жалб қилиш учун жозибадорлигини белгилаб берадиган асосий омиллар бўлиб реал иш ҳақи,

валюта курси, кўчмас мулк нархи, ёқилғи ва транспорт харажатлари ҳамда солиқ юки даражаси ҳисобланади.


Мақбул инвестиция муҳитини барпо этиш ҳам инвестицияларни жалб этиш йўлларида бири бўлиб, ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари учун ушбу муҳитни кўп ҳолларда бозор ислоҳотларини амалга оширишдаги ютуқлар белгилаб, улар қай даражада иқтисодиёт амал қилишини кўрсатиб, ўз навбатида хорижий инвесторларнинг мазкур мамлакатда ишлашга ишончини акс эттиради. Бозор ислоҳотларини амалга оширишдаги илгарилаш хорижий инвесторларнинг хусусан, ишлаб чиқариш харажатлари юзасидан бир хил кўрсаткичга эга икки мамлакатдан қай бирини танлашини аниқлашда муҳим ўрин тутади. Масалан, бўлгуси тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқимлари кенг кўламда тежамкорликка эришиши орқали инвестицияларнинг самарадорлиги ва рақобатбардошлигига таъсир ўтказадиган ташқи савдо учун иқтисодиётнинг очиклик даражасига (ташқи савдо режими эркинлаштирилганлиги ва миллий валютанинг конвертацияланганлиги) боғлиқ бўлиши мумкин. Шуларни инобатга олган ҳолда айтиш ўринлики, бозор ислоҳотларини жадаллаштириш ва мақбул инвестиция муҳитини яратиш ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари учун хорижий инвестицияларни жалб этиш борасида жуда катта аҳамиятга эга.

Мамлакат иқтисодий тараққиётининг стратегияси хорижий инвестициялар жалб этишда алоҳида аҳамият касб этади. Мазкур омил жалб этилаётган хорижий инвестициялар турини белгилашда айниқса ҳал қилувчи ўрин тутади. Хусусан, маҳалий ишлаб чиқаришни рағбатлантиришга қаратилган импорт ўрнига маҳсулот чиқаришни рағбатлантиришга йўналтирилган давлат сиёсати ички бозорга хизмат кўрсатиш мақсадидаги инвестицияларни жалб этиши мумкин. Аксинча, мамлакатни халқаро бозорлар тизимига киритиш ва экспорт имкониятларини ривожлантириш иқтисодиётнинг экспорт тармоқларига хорижий инвестициялар жалб этади.

Хорижий инвестицияларга нисбатан самарали давлат сиёсатини ишлаб чиқиш йирик компанияларнинг инвестицион қарорлар қабул қилишдаги

асосларини таҳлил этилишини талаб қилади. тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни амалга оширишда инвесторлар қарори мамлакатнинг географик жойлашуви ва унинг иқтисодий сиёсатига боғлиқ бўлади. Авваллари хорижий инвесторлар давлат назоратини четлаб ўтиш, экспорт квоталари олиш, етишмаётган ресурсларни сотиб олиш каби ўзига хос омилларни ҳисобга олар эдилар. Сўнгги йилларда чет элда инвестициялаш билан шуғулланиб келаётган компаниялар ўз вазифалари кўламини бир мунча кенгайтирдилар ва инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш эндиликда кўпроқ корпоратив стратегияга боғлиқ бўлиб қолди. Умуман олганда, инвестициялаш мақсадига кўра тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни беш хил турга гуруҳлаш мумкин: 1. Ички бозорни эгаллаш ва унга хизмат кўрсатишга мўлжалланган инвестициялар; 2. Экспортга йўналтирилган инвестициялар; 3. Ресурс (табиий бойликлар) кўзлаган инвестициялар; 4. Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ҳамда 5. Технологияларни яхшилаш мақсадини кўзлаган инвестициялар.

1-расм



1. Ички бозорни эгаллаш ва унга хизмат кўрсатишга мўлжалланган инвестициялар. Улар савдодаги мавжуд ёки юзага келиши мумкин бўлган тўсиқларни енгиб ўтиш, ё бўлмаса шу мамлакатда компания мавжудлигини тасдиқлаш мақсадида амалга оширилади. «Бозор излаш»дан манфаатдор компаниялар, одатда, мезбон-мамлакатга инвестициялар кўшишда янги бозорларга кириб бориш, унинг муайян қисмини эгаллаб олиш ва ўзининг танлаш имкониятларини кенгайтириш нуқтаи назаридан келиб чиқадилар. Бозорлари тўлиб-тошган ривожланган мамлакатлар компаниялари кўп ҳолларда инвестицияларни айнан шундай мақсад йўлида жойлашлари кузатилади. Бундай

компаниялар учун бозор ҳажми (кўп ҳолларда ЯИМнинг қиймати мўлжал тариқасида ишлатилади) ва аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад миқдори жиддий аҳамият касб этади.

2. Экспортга маҳсулот ишлаб чиқаришни кўзлаган инвестициялар ўз мамлакатида ишлаб чиқариш ва экспорт харажатлари ортиб бораётган бир вақтда ташқи бозорларга хизмат кўрсатиш учун янги жойлашувни излаб амалга оширилади. Бундай инвестицияларни жалб этиш учун мамлакатлар арзон, лекин шу билан бирга малакали ишчи кучига эга бўлишлари лозим. Шунингдек, хорижий инвесторлар учун макроиқтисодий ва сиёсий барқарорлик, хорижий инвестицияларни ҳуқуқий тартибга солишнинг аниқ тизими, кенг кўламли солиқ имтиёзлари мавжудлиги каби омиллар муҳим аҳамият касб этади. Бундай инвестиция турига мисол тариқасида нисбатан арзон ва малакали ишчи кучига эга бўлган, географик жиҳатдан қўлай жойлашган Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларини (Ғарбий Европа бозорларига яқин жойлашганлиги ва Европа иттифоқига аъзо бўлиш истиқболи туфайли) ҳамда Хитойни (рақобатбардош иш ҳақи даражаси, инвестицион муҳит ва харажатлар пастлиги туфайли) келтириш мумкин.

3. Ресурс излашга ихтисослашган инвестициялар табиий ресурсларни бош омил деб қарайдилар. «Ресурс ёки восита» излашдан манфаатдор фирмаларни биринчи навбатда мамлакатда ресурслар мавжудлиги қизиқтиради. Бундай ресурслар ҳисобига хом ашё, арзон ва малакали ишчи кучи, моддий инфратузилма ёки корхоналар, алоҳида технология воситалари кириши мумкин. Хом ашё ресурслари ўз таркибига баъзи мамлакатларда мўл бўлиб, баъзиларида эса деярли бўлмаган нефт, газ, минерал қазилмаларни олади. Ўзбекистонда Газпром, Лукойл ва қатор бошқа хорижий компанияларнинг инвестицияларини айнан шу гуруҳга киритиш мумкин. Яхши инфратузилмаси (автомобил ва темир йўллари, денгиз йилларидан фойдаланиш имконияти, телекоммуникациялар ва

хакозо) бўлган мамлакатлар инвестор жалб қилиш учун қўшимча имкониятга эгадирлар.

4. Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш мақсадидаги инвестициялар вертикал ва горизонтал бирлашув йўли билан дастлаб минтақавий, сўнгра халқаро миқёсда кўламлилиқ туфайли тежамкорлик самарасига эришиш учун йўлланади. Инвестицияларнинг мазкур тури даромадни ошириш учун ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш орқали турли мамлакатлардаги ўз ишлаб чиқаришларининг қиёсий устунлигидан самаралироқ фойдаланиш мақсадида амалга оширилади. Мазкур гуруҳ инвестициялари одатда корпоратив стратегияга асосланади. «Янада юқори самарадорлик излаган» компаниялар ишлаб чиқариш воситаларининг нисбатан арзонлигидан тўғридан-тўғри манфаатдор бўлиб, уларни биринчи навбатда самарадорликни ошириш, транспорт, алоқа ва бошқа ишлаб чиқариш ва бошқарув харажатларини (маркетинг, реклама, маҳсулотни реализация қилиш каби харажатлар ҳам киради) камайтириш имкониятини берадиган шарт-шароитлар қизиқтиради.

5. Технологияларни яхшилаш мақсадини кўзлаган инвестициялар юксак технологияли ишлаб чиқаришлар, айниқса электроника, биотехнология ва баъзи бошқа, саноатнинг нисбатан янги тармоқларида, шунингдек хизмат кўрсатиш ва фойдали қазилмаларни излаб топиш соҳаларида жамланган.

Амалда компаниялар бир вақтнинг ўзида бозор излаш, экспорт бозорига йўл топиш, самарадорликни ошириш ва ресурслар қидириб топиш каби турли-туман омиллар мажмуидан келиб чиққан ҳолда инвестицион қарорлар қабул қиладилар. Бизнинг фикримизча, ўтиш иқтисодиёти мамлакатларига тўғридан-тўғри инвестициялар жойлашда йирик хорижий компаниялар кўпроқ ички ва экспорт бозори потенциали ҳамда мавжуд ресурсларга эришиш имкониятига муҳим аҳамият беришмоқда.

II БОБ. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт тармоқларига хорижий инвестицияларни жалб этилиши ва унинг муаммолари

2.1. Ўзбекистонда хорижий инвестицияларни жалб этишнинг ҳуқуқий - институционал асослари

Республикада қулай инвестиция муҳитини шакллантириш бўйича ишларни янада кучайтириш узок муддатга мўлжалланган стратегик вазифа ҳисобланади. Ички кредит манбаларини сафарбар этиш чора – тадбирлари билан биргаликда хорижий сармояларни рағбатлантиришга хизмат қиладиган қулай муҳит яратиш масаласи биз учун ўта муҳим стратегик аҳамиятга эга.²⁶

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда инвестиция муҳитининг энг муҳим таркибий қисмларидан бири бўлган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятининг қонуний базасини шакллантириш юзасидан муайян ишлар амалга оширилди. 1998 йилда Ўзбекистон Республикасининг «Хорижий инвестициялар тўғрисида»ги ва «Хорижий инвесторларнинг ҳуқуқлари кафолатлари ва ҳимоялаш чоралари тўғрисида»ги Қонунлари қабул қилинган бўлиб, улар республикада хорижий инвесторлар ва улар иштирокидаги корхоналар фаолиятини тартибга солувчи қонуний-меъёрий базани яратишга асос бўлди.

Хорижий инвесторлар учун Ўзбекистонда турли шаклларда инвестицияларни амалга ошириш имконияти яратилган. Ўзбекистон Республикасининг «Хорижий инвестициялар тўғрисида»ги Қонунининг 6-моддасига асосан чет эллик инвесторлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар ташкил этишлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан ўзларига берилган барча ҳуқуқлар, кафолатлар ва имтиёزلардан фойдаланишлари мумкин. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар деганда акцияларининг (улушлари, пайларининг) ёки устав

²⁶ Каримов И. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2001. - 253 бет.

жамғармасининг камида ўттиз фоизини чет эл инвестициялари ташкил этадиган корхоналар тушунилади.²⁷ Улар Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан шакллантирилган қонун ҳужжатларига зид келмайдиган ҳар қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклларда фаолият кўрсатишлари мумкин. Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона қатнашчиларидан бири чет эллик инвестор бўлиши ҳамда корхона устав капитали миқдори камида 150 000 АҚШ доллари эквивалентида бўлиши талаб этилади. Айрим ҳолларда устав капиталнинг талаб қилинган минимал даражаси миқдори пасайтирилган бўлиб (жумладан, Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси учун ушбу талаб 75000 АҚШ доллари миқдорида ўрнатилган), ишчи кучи ортиқча бўлган минтақаларга капитални жалб этишни рағбатлантириш мақсадида қўлланилади.

Шунингдек, чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона уни таъсис этиш йўли билан ёки мавжуд (фаолият юритиб турган) корхонада иштирок этиш улушини (пайини, акцияларини) ёхуд бундай корхонани бутунлай, шу жумладан хусусийлаштириш жараёнида чет эллик инвестор томонидан сотиб олиниши натижасида ташкил этилиши мумкин. Таҳлил шуни кўрсатмоқдаки, хорижий инвесторлар Ўзбекистон бозорига кириб келишида ишлаб турган корхонани сотиб олиш амалиёти кўпроқ хусусийлаштириш жараёни билан боғлиқ бўлиб, айрим ҳолларда эса бозорда юқори мавқега (шу жумладан, телекоммуникация, химия саноати ва қурилиш материаллари каби соҳаларда) эга бўлган корхоналарга инвестиция қилиш билан боғлиқ. Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарни давлат рўйхатига олиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларида Давлат Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эллик инвесторлар инвестиция фаолиятини амалга оширишлари чоғида уларнинг барча ҳуқуқлари кафолатланиши ва ҳимоя қилиниши қайд этиб ўтилган. Чет эллик инвесторлар ва чет эл инвестициялари

²⁷ Бундай таъриф давлат томонидан бериладиган солиқ ва божхона тўловлари бўйича имтиёزلарни қўллаш учун ишлатилади.

учун адолатли ва тенг ҳуқуқли режим, уларнинг тўлиқ ва доимий ҳимояси ҳамда хавфсизлиги таъминланиши кўрсатилади. Бундай режим Ўзбекистон Республикаси юридик ва жисмоний шахслари томонидан амалга оширилаётган инвестицияларнинг тегишли режимига қараганда ноқулайроқ бўлиши мумкин эмас. Мазкур тартиб алоҳида эътиборга лойиқ бўлиб, хорижий инвесторлар фаолияти учун қулай шароит яратилганлигини кўрсатади. Маълумки, чет эл капитали иштирокидаги корхоналарга алоҳида солиқ, божхона ва бошқа имтиёзлар берилган бўлиб, улар айти пайтда барча бозор иштирокчиларига берилган турли қўшимча имтиёзлардан ҳам фойдаланиш имкониятига эга.

Чет эллик инвесторларнинг Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан кафолатланган ҳуқуқлари ва манфаатлари бузилганда уларни тиклаш Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари, шу жумладан халқаро шартномалари билан тартибга солинади. Ўзбекистон Республикасида чет эл инвесторлари фаолиятини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш мақсадида 1998 йил 30 апрелдаги «Хорижий инвесторларнинг ҳуқуқлари кафолатлари ва ҳимоялаш чоралари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунида қабул қилинди. Хорижий инвесторлар ҳуқуқларини кафолатлаш тизимининг ишчан механизмини яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2003 йил 2 майдаги “Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ҳуқуқий ҳимоя қилишни кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 58-сонли қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бу борада масъул давлат органи деб белгиланди ва тегишли равишда унга қўшимча ваколатлар берилди. Хусусан, бошқа ваколатлар билан бир қаторда Адлия вазирлиги чет эл инвесторлари ва бундай инвестициялар иштирокидаги корхоналарга нисбатан назорат қилиш органлари ҳамда маҳаллий хокимият ва бошқарув идораларининг инвесторларнинг ҳуқуқларини бузувчи қарорларини тўхтатиб қўшиш ҳамда тегишли давлат ва бошқарув органларига бундай қарорларни бекор қилиш бўйича таклифлар киритиш ҳуқуқи берилган. Бизнинг фикримизча, бундай ёндошув чет эл инвесторлари фаолияти билан

боғлиқ муносабатларда қонун устуворлигини таъминлашга ва инвесторлар ҳуқуқларини изчил ҳимоя қилишга қаратилган муҳим омил ҳисобланади.

Ривожланаётган мамлакатларда кенг қўлланилаётган яна бир рағбатлантирувчи чора шундан иборатки, агар мамлакатдаги кейинги қонун ҳужжатлари инвестициялаш шарт-шароитларини ёмонлаштиради, унда чет эллик инвесторларга нисбатан инвестициялаш санасида амал қилган қонун ҳужжатлари инвестициялаш пайтидан бошлаб маълум бир муддатга қўллаш кафолатланади. Ушбу чора Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ҳам ўз аксини топган бўлиб, хорижий инвесторларга инвестициялаш санасида амал қилган қонун ҳужжатлари инвестициялаш пайтидан бошлаб ўн йил мобайнида қўллаш кафолати берилади. Чет эллик инвестор ўз хоҳишига кўра янги қонун ҳужжатларининг инвестициялаш шарт-шароитларини яхшилайдиган қоидаларини қўллаш ҳуқуқига эгадир.

Қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг янги қонун ҳужжатларини қабул қилиш инвестициялаш шарт-шароитларини ёмонлаштириш қуйидаги ҳолларни инобатга олади:

– чет эллик инвесторга тўланадиган, дивиденд тарзида олинадиган даромадларга солиқ миқдорининг кўпайтирилиши;

– чет эллик инвесторнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига ўтказиладиган даромадини (фойдасини) ўз мамлакатига қайтариш тартиб-таомилини мураккаблаштирувчи ёки уларнинг миқдорини камайтирувчи қўшимча талабларнинг жорий этилиши;

– инвестициялашни амалга ошириш ҳажмларига нисбатан миқдорий чеклашларнинг ва инвестициялар миқдори бўйича бошқа қўшимча талабларнинг, шу жумладан чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарда

чет эл инвестицияларининг энг кам миқдорини кўпайтириш тарзида жорий этилиши;

– чет эллик инвесторнинг корхоналар устав фондларида улуш билан иштирок этиши бўйича чеклашларнинг жорий этилиши;

– чет эллик инвесторлар - жисмоний шахсларнинг визаларини расмийлаштириш ва узайтириш борасида қўшимча тартиб-таомилларнинг, шунингдек чет эл инвестицияларини амалга ошириш бўйича бошқа қўшимча талабларнинг жорий этилиши.²⁸

Чет эллик инвесторнинг Ўзбекистон Республикасида олган даромадлари чет эллик инвесторнинг хоҳишига кўра, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида реинвестиция қилиниши ёки бошқа ҳар қандай усулда ишлатилиши мумкин. Шу ўринда, валюта тартибга солиш амалиётига тўхталиб ўтиш лозим. 2003 йилда қабул қилинган янги таҳрирдаги “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги қонунга асосан Ўзбекистон Республикасига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш ва уларни репатриация қилиш, шунингдек тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни амалга ошириш муносабати билан олинган ҳуқуқлардан фойдаланиш чекловларсиз амалга оширилади. Ушбу модда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, миллий валютаамизнинг эркин конвертацияланиш имконияти жорий операциялар билан чекланган шароитда хорижий инвесторлар фаолиятини рағбатлантирувчи муҳим омил вазифасини бажаради.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ ва Божхона Кодекслари, Президент, Вазирлар Маҳкамасининг фармонлари ва қарорлари орқали хорижий инвесторлар учун имтиёзларнинг кенг тизими яратилган. Бу имтиёзлар асосан солиқ тизимида, имтиёзли савдо-сотиқ соҳасида (божхона тўловларини камайиши ёки олиб ташланиши, бошқа турдаги экспорт ва импорт операциялар соҳасидаги имтиёзлар) яратилган. Бундан ташқари, баъзи ҳолларда аниқ бир

²⁸ Ўзбекистон Республикасининг 1998 йилда қабул қилинган «Хорижий инвесторларнинг ҳуқуқлари кафолатлари ва ҳимоялаш чоралари тўғрисида»ги қонуни.

соҳада (масалан меҳмонхона бизнеси ёки геологик қидирмалар билан) ёки қишлоқ туманларида жойлашган ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи корхоналарга имтиёзлар берилган.

Чет эл инвесторлари учун имтиёзли солиқ режими яратилган. Хорижий инвесторлар барча фаолият кўрсатаётган хўжалик субъектлари учун кўзда тутилган солиқ имтиёзларидан фойдаланиш билан бирга кўшимча равишда чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар учун берилган махсус солиқ имтиёзларидан фойдаланиши мумкин. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 4 апрелдаги ПФ-3594 сонли фармонида биноан 2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этадиган иқтисодиёт тармоқлари корхоналари асосий фаолияти бўйича даромад (фойда) солиғи, мулк солиғи, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва ҳудудларни ободонлаштириш солиғи, экология солиғи, микрофирма ва кичик корхоналар учун белгиланган ягона солиқ тўлови ёки ягона солиқ тўлашдан, шунингдек Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод қилинган.

Ушбу имтиёзларнинг муддати инвестициянинг миқдорига боғланган бўлиб, 3 йилдан 7 йилгача бериш кўзда тутилган. Мазкур солиқ имтиёзлари тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми қуйидагича бўлганда берилади:

- 300 минг АҚШ долларидан 3 миллион АҚШ долларигача - 3 йил муддатга;

- 3 миллиондан ортиқ АҚШ долларидан 10 миллион АҚШ долларигача - 5 йил муддатга;

- 10 миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлганда - 7 йил муддатга.

Шунингдек, мазкур солиқ имтиёзларидан фойдаланиш учун чет эл инвестициялари қуйидаги шартларга жавоб бериши талаб этилади. Хусусан:

- мазкур корхоналарни ортиқча ишчи кучи бўлган минтақалар - Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Қашқадарё, Сирдарё, Сурхондарё, Хоразм вилоятларида, шунингдек Навоий, Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларининг қишлоқ аҳоли пунктларида жойлаштириш;

- хорижий инвесторлар томонидан тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни Ўзбекистон Республикасининг кафолати берилмаган ҳолда амалга ошириш;

- корхонанинг устав капиталида хорижий иштирокчиларнинг улуши камида 50 фоизни ташкил этиши лозим;

- ушбу корхоналар давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни киритиш;

- хорижий инвестицияларни эркин алмаштириладиган валюта ёки янги замонавий технологик ускуна тарзида қўйиш;

- имтиёزلарни қўллаш натижасида имтиёزلардан олинган даромадни корхонани ривожлантириш учун қайта инвестициялашга йўналтириш.

Солиқ имтиёзлари иқтисодиётнинг айрим тармоқларида фаолият юритувчи чет эл капитали иштирокидаги корхоналар учун ҳам кўзда тутилган бўлиб, улар нефт ва газ ҳамда енгил саноати каби устувор соҳаларга хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантиришга қаратилган.

Шу билан бирга, амалдаги қонунчилик ҳужжатларининг айрим мулоҳазали моддаларига тўхталиб ўтиш лозим. Ўзбекистонда чет эл инвестицияси иштирокидаги корхона деб устав фонди 150 минг АҚШ долларидан кам бўлмаган, таъсисчиларнинг камида биттаси чет эл юридик шахси бўлган ҳамда чет эл инвесторининг улуши 30 фоиздан кам бўлмаган корхоналар тушунилади.²⁹

²⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 30 ноябрда қабул қилинган «Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарга берилаётган қўшимча рағбат ва имтиёзлар тўғрисидаги» ПФ - 1652 сонли фармони.

Бундай корхоналар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат руйхатидан ўтказилади. Дунёнинг кўп давлатларида чет эл инвесторлари учун минимал улуш 10 фоизни ташкил этади, шу боисдан Халқаро валюта фонди ҳам мазкур миқдорни кўллайди. Шу жумладан, Россияда чет эл инвестицияси иштирокидаги корхона деб эътироф этилиши учун чет эл инвесторининг улуши камида 10 фоиз ташкил қилиши лозим, лекин имтиёзлардан фойдаланиш учун хорижий инвесторнинг улуши камида 25 фоиз ташкил қилиши керак, Хитойда эса имтиёзлардан фойдаланиш имконияти чет эл инвестициясининг ҳажми камида 3 млн.АҚШ долларини ташкил этган ҳолда берилади.

Хорижий инвесторнинг мавқеи борасидаги халигача ҳам ўз ечимини топмаган муаммолар мавжуд. Масалан, чет эл инвесторининг улуши 30% фоиздан кам бўлган ва устав фонди 150 минг АҚШ долларидан кам бўлган чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналарни рўйхатга олиш масалалари ҳам ўз ечимини топмаган. Бундай корхоналар умумий қоидалар асосида рўйхатга олиниши керак бўлсада, маҳаллий органлар томонидан рўйхатга олишда айрим муаммолар пайдо бўлиши мумкин. Баъзи ҳолларда “чет эл инвестицияси иштирокидаги корхона” ва “қўшма корхона” тушунчаларини алмаштирилиб ишлатилаётганини кузатиш мумкин, бундай ҳоллар хорижий корхоналар ва уларнинг шўъба корхоналари учун яратилган имтиёзлардан фойдаланишни йўққа чиқармоқда. Ёки бошқа мисол, улушида хорижий капитал бор бўлган банкни чет эл инвестицияси иштирокидаги корхона деб юритилиши ҳақида амалдаги қонунчиликда аниқ бир йўлланма йўқ, ваҳоланки бугунги кунда мамлакатимизда 5 та чет эл капитали иштирокидаги тижорат банклари ишлаб турибди. Шу билан бир қаторда тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини ликвидация қилиш шарт-шароитлари ҳам аниқ кўрсатилмаган.

Хорижий инвесторлар учун энг қулай тартиблар яратилган ва улар муттасил такомиллаштириб боришмоқда. Чет эл сармояси иштирокида ишлаб чиқариш корхоналари очиш жараёни мумкин қадар осонлаштирилган.

Республикада қабул қилинган қонунлар ва қонун асосидаги ҳужжатлар чет эл фирмалари ва компаниялари Ўзбекистон бозорларида фаол иштирок этиши учун солиқ соҳасидаги имтиёзлар ва рағбатлантириш чораларининг, сиёсий ва тижорат соҳасидаги хавф-хатарлардан кафолатларнинг яхлит тизимини, қулай қонуний шароитларни яратиб беради.

Амалдаги қонунлар чет эллик инвесторларга берадиган асосий кафолатларнинг тўлиқ бўлмаган рўйхати қуйидагилардан иборат:

Биринчи. Ўзбекистон Республикасидаги хорижий инвестициялар национализация ва реквизиция қилинмайди.

Иккинчи. Хорижий инвесторларга қонуний фаолият натижасида олинган фойдани ва бошқа маблағларни ҳеч бир чекловсиз чет эл валютасида чет элга ўтказиш кафолатланади. Шунингдек импорт бўйича олиб кириладиган хом ашё, бутловчи буюмлар ва замонавий технологиялардан олинган тушумни чет эл валютасига айирбошлаш таъминланади.

Учинчи. Чет эллик жисмоний ва юридик шахсларга давлат мулкани хусусийлаштириш жараёнида, шу жумладан кўчмас мулк олди-сотдисидида эркин қатнашиш кафолатланади. Чет эллик инвесторлар мулк ҳуқуқларни, шу жумладан савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектларига ҳамда турар жой бинолари ва улар жойлашган ер участкаларига мулк ҳуқуқини, ер ва табиий манбаларга эгаллик қилиш ва улардан фойдаланиш ҳуқуқини қўлга киритишга ҳақлидирлар.

Тўртинчи. Чет эл инвестициялари иштирокида ташкил этилган корхоналар ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотни лицензиясиз экспорт қилиш ва ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун маҳсулотни импорт қилиш ҳамда қўшма корхоналарнинг устав фондига ҳисса қўшиш учун бож тўламасдан мулк олиб киришга ҳақлидир.

Амалдаги қонунлар чет эллик инвесторлар учун кафолатлар билан бир қаторда солиқ соҳасида кенг имтиёзлар ҳам беради. Агар улар давлат инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларни инвестициялашда қатнашсалар етти йил мобайнида солиқ тўлашдан озод қилинадилар. Чет эл инвестициялари иштирокидаги ташкил этилган корхоналар даромадларининг ишлаб чиқаришни кенгайтиришга ва технология билан қайта жиҳозлашга сарфланадиган қисми ҳам солиқдан озод қилинади. Қўшма корхоналарнинг қайта молиялашга ва инвестицияларни амалга ошириш учун олинган кредитларни сарфланадиган маблағларига ҳам солиқ солинмайди.

Чет эл сармояси иштирокидаги ишлаб чиқариш корхоналари учун фойдадан солиқ тўлашнинг табақалаштирилган ставкалари жорий этилган. Бу ставкалар хорижлик инвесторнинг қўшма корхона устав фондидаги улуши қанчалигидан келиб чиқиб, улар учун солиқ ставкаларининг тегишлича камайтилишини назарда тутлади. Устав фондида чет эл сармоясининг улуши 30 фоиздан ортиқ бўлган, қишлоқ хўжалик маҳсулотини, ҳалқ истеъмоли молларини ва қурилиш материаллари, тиббиёт ускуналари, қишлоқ хўжалиги, енгил ва озиқ-овқат саноати учун машина ва ускуналарни ишлаб чиқариш ҳамда қайта ишлашга, иккиламчи хом ашё ва рўзғор чиқиндиларини қайта ишлашга ихтисослашган қўшма корхоналар рўйхатдан ўтказилган пайтдан бошлаб икки йил мобайнида фойдадан солиқ тўлашдан озод қилинади.

Чет эллик шерикнинг ўз эҳтиёжлари учун республикамизга олиб кираётган мулки, чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарнинг устав сармоясига мулк билан қўшадиган ҳиссаси ҳамда Ўзбекистон иқтисодиётига умумий ҳажми 50 миллион доллардан ортиқ миқдорда қилинадиган инвестиция ҳам бож тўлашдан озод қилинади.

Булар чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар учун ҳозир амал қилиб турган имтиёзларнинг тўлиқ бўлмаган рўйхатидир. Булардан ташқари, чет

эл сармойси иштирокидаги корхоналар республиканинг ҳамма корхоналарига солиқ соҳасида берилган имтиёزلардан ҳам фойдаланади.

Чет эллик инвесторларга ёрдам кўрсатиш мақсадида Ўзбекистонда ихтисослаштирилган ташкилотлар ва муассасалар тармоғи ташкил этилган. Булар - чет эл инвестициялари бўйича агентлик, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, “Ўзбекинвест” Миллий экспорт-импорт суғурта компаниясидир. АИГ (АҚШ) билан бирга сиёсий хавф-хатарлардан суғурталаш бўйича қўшма корхона — “Ўзбекинвест Интернешнл” таъсис этилган бўлиб, унинг қароргоҳда суғурта оламининг маркази Лондон шаҳрида жойлашган. Лизинг компанияси ташкил этилган бўлиб, унинг муассислари Халқаро молия корпорацияси, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, «Малай Бэнк Берхард» (Малайзия) ва бизнинг Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкимиздир. Республикада чет эл инвестицияларини ишончли суғурта билан ҳимоялаш таъминланмоқда. Суғурталашнинг таянч ставкалари халқаро амалиётда қабул қилинганидан анча паст. Суғурта пули тўланмаган тақдирда ўз сармойларини Ўзбекистон Республикасига инвестиция киритган чет эллик сармойдорлар суғурта ҳодисаси юз бергач, атиги 30 кун ўтганидан кейин талаб билан мурожаат қилишлари мумкин. Холбуки, жаҳон амалиётида бу муддат 180 кун қилиб белгиланган.

Чет эллик инвесторларга республикада мавжуд бўлган кафолатлар, имтиёзлар ва рағбатлантириш чораларининг тўлиқ бўлмаган рўйхатини келтиришнинг ўзигина Ўзбекистон капитал сарфлаш учун қулай, ҳамкорлик учун ишончли мамлакат эканлигидан далолат беради.

Президентимиз И.Каримов таъкидлаганидек, мустақиллик йилларида республикада халқаро миқёсда қабул қилинган юридик принциплар ва нормаларга асосланган кенг ҳуқуқий макон вужудга келтирилди. Мазкур норма ва принциплар инсон ҳуқуқлари, эркинликлари устуворлигига асосланади. Бу эса ислохотлар, тараққиёт ва ўзаро фойдали ҳамкорликнинг ортга қайтмаслиги учун

кафил бўлиб хизмат қилади. Жаҳон тажрибаси, кейинги йилларда эса ўзимиз тўплаган тажриба ҳам шуни яққол кўрсатмоқдаки, иқтисодий, сиёсий, маънавий соҳалардаги кенг миқёсдаги ўзгаришларни тубдан ислоҳ қилишнинг, дунё ҳамжамияти томонидан эътироф этилиш ва халқаро ҳамкорликнинг ғоят муҳим шарти - мамлакатда ижтимоий сиёсий барқарорликни, фуқаролар тинчлиги ва миллатлараро тотувликни таъминлашдан иборат. Ижтимоий-сиёсий барқарорликни сақлаш, айниқса, энг қийин бўлган ўтиш даврида, давлатнинг узок муддатли истиқболга мўлжалланган аниқ сиёсатини ўтказиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Бу эса, ўз навбатида, миллий давлатчиликни қарор топтириш, халқаро муносабатларни мустаҳкамлаш, ислоҳ қилинаётган иқтисодиётга чет эл инвестицияларини кенг жалб этишнинг асосий шартидир. Маълумки, чет эллик инвесторлар ва инвестициялар ўз фаолиятлари учун қонунчилик асослари яратилибгина қолмасдан, балки барқарор фаолият кўрсатиш учун реал шарт-шароитлар мавжуд бўлган, ижтимоий-сиёсий барқарорлик таъминланган, сиёсий хавф-хатарлар энг кам даражага келтирилган, миллатлараро ва фуқаролараро нифоқлар бўлмаган мамлакатгагина келади. Иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва чет эллик инвесторларнинг кизиқиш билан фаолият кўрсатишлари учун жуда яхши қонунчилик асосини яратиш, энг илғор қонунлар қабул қилиш мумкин. Бироқ агар жамиятда барқарорлик бўлмаса, сиёсий ларзалар, фуқаролар урушлари ва минтақавий можароларга қарши қафолатлар бўлмаса, қабул қилинган қонунлар ишлаши, ислоҳ қилинаётган иқтисодиётнинг таркибий тузилишни ўзгартириш учун зарур инвестицияларнинг келиши ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Айнан жамиятдаги барқарорлик ва давлат сиёсатини олдиндан айта билиш мумкинлиги катта кўламдаги туб ўзгаришларни амалга ошириш, кенг инвестициялар фаолияти учун асос бўла олади.

2.2. Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг Ўзбекистонга жалб этишнинг шарт-шароитлари ва уни янада яхшилаш йўллари

2010 йилда ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 12 мартдаги ПҚ-1072-сонли қарори билан тасдиқланган “2009-2014 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича энг муҳим лойиҳаларни амалга ошириш чора-тадбирлари дастури” ҳамда маҳаллийлаштириш дастурлари билан тасдиқланган инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш изчил давом эттирилди. 2010 йилда ўзлаштирилган жами инвестицияларнинг ҳажми 2009 йилга нисбатан 9,2 фоизга ортди ва 15409 млрд. сўм (9,7 млрд АҚШ доллари) ни ёки ЯИМга нисбати қарийб 25 фоизни ташкил этди. Ушбу инвестицияларнинг деярли 72 фоизи ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этишга, жумладан, 38 фоизга яқини асбоб-ускуна ва илғор технологиялар сотиб олишга йўналтирилди. Асосий капиталга йўналтирилган инвестицияларнинг 47,3 фоизини хўжалик субъектлари ва аҳолининг ўз маблағлари, 28,8 фоизини тўғридан-тўғри инвестициялар ва кредитлар ташкил этиб, бунда тўғридан-тўғри инвестициялар миқдори 2,4 млрд. АҚШ долларидан ошди. Республикамиз иқтисодиётида чуқур таркибий ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Бунинг негизини маҳаллий хом ашёни қайта ишлаш ва жаҳон бозоридаги кескин рақобатга бардош бера оладиган маҳсулотлар тайёрлашга асосланган саноат тармоқларининг етакчи ўринга чиқиши ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг тез суръатлар билан ривожланиши ташкил қилади. Шунини таъкидлаш керакки, мустақиллик йилларида ялпи ички маҳсулот таркибида саноатнинг улуши 11 фоиздан 25 фоизга, хизмат кўрсатиш соҳаларининг улуши эса 18 фоиздан 49 фоизга ёки 2,5 баробардан зиёд ошди. Ушбу таркибий ўзгаришлар албатта кенг миқёсдаги инвестицион маблағларни талаб этади.

Бинобарин, республикада фаолият кўрсатаётган корхоналарни жадал модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлашни таъминлаш, юксак технологиялар асосида ишлайдиган автомобилсозлик ва газ-кимё, электр

техникаси ва тўқимачилик, озиқ-овқат ва фармацевтика, ахборот ва телекоммуникациялар тармоғи ҳамда бошқа йўналишлардаги янги ва замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини юритишга устувор аҳамият берилмоқда.³⁰

Президентимиз таъкидлаганидек, хорижий ва маҳаллий сармоядорлар учун қулай, ҳар томонлама имтиёзли инвестиция муҳити яратилди. Натижада мустақил тараққиёт йилларида мамлакатимиз иқтисодиётига 100 миллиард доллардан ортиқ инвестиция жалб қилинди. Бунинг 35 миллиард доллардан зиёдини хорижий инвестициялар ҳамда кредитлар ҳисобидан молиялаштирилди. Бу эса хорижий инвестицияларнинг мамлакатнинг барқарор иқтисодий тараққиётини таъминлашдаги муҳим аҳамият касб этувчи инвестицияларни молиялаштиришдаги алоҳида ўрнини кўрсатади. 2010 йилда хорижий инвестициялар ва кредитларнинг умумий инвестициялар ҳажмидаги улуши 28,8 фоизни, тўғридан-тўғри инвестициялар миқдори эса 2,4 млрд. АҚШ долларидан ортиб кетди. Бинобарин, ўзлаштирилган жами инвестицияларнинг 72 фоизи ишлаб чиқаришни модернизациялашга, техникавий ва технологик қайта қуроллантиришга, ҳозирги замон ва илғор техника ҳамда технологияларни харид этишга сарфланди.

Ўзбекистонда инвестицияларни молиялаштириш манбалари таҳлили шуни кўрсатадики, ўтган 10 йил мобайнида бюджет маблағлари, марказлашган кредитлар ҳамда ҳукумат кафолати ҳисобига жалб қилинган хорижий кредитларнинг инвестицияларни молиялашдаги улуши кескин пасайган. Макроиқтисодий сиёсатдаги ўзгаришлар, шунингдек, 1990 йиллар охири - 2000 йиллар бошида жаҳон бозорларида Ўзбекистоннинг асосий экспорт товарларига бўлган нархларнинг паст даражада бўлиши, ҳукуматнинг инвестицион сиёсатини ўзгаришига олиб келди. Хусусан, республика ҳукумати томонидан хорижий кредит линиялари жалб қилиш учун берилган кафолатлар ҳажми кескин

³⁰ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. Тошкент, “Ўзбекистон”, 2007.– Б.39.

камайтирилди, Марказий банк томонидан инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш учун марказлашган кредитлар ажратиш амалиёти тўхтатилди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, 2002-2009 йиллар давомида республикамиздаги амалга оширилаётган пул-кредит ҳамда солиқ-бюджет сиёсатидаги ислоҳотлар муҳим аҳамият касб этади. Ушбу даврда ҳукумат инвестицион лойиҳаларни Марказий банкнинг марказлашган кредитлари ҳисобидан молиялаштириш амалиётини бекор қилди. Шунингдек, давлат бюджети камомадини Марказий банк кредитлари ҳисобидан қоплаш амалиёти ҳам тўхтатилди. Бунинг ижобий томони шундан иборат бўлдики, эмиссион банк томонидан берилаётган кредитлар муомаладаги пул массасини сезиларли равишда оширган ҳолда, инфляция жараёнларига олиб келарди.

Айни пайтда инвестицияларни молиялаштиришда сифат жиҳатдан муҳим ўзгаришлар кузатилмоқда. Бу шундан иборатки, ялпи инвестицияларни эндиликда кўпроқ хусусий сектор маблағлари, шу жумладан, хорижий инвесторлар ҳисобидан молиялаштирилмоқда. Эътибор берадиган бўлсак, 1996-2000 йиллар мобайнида ялпи инвестицияларнинг ўртача 50 фоизини бюджет ва бюджет билан боғлиқ манбалар (Марказлашган банк кредитлари, нобюджет фондлари ва ҳукумат кафолати ҳисобига жалб қилинган кредитлар) ташкил этган бўлса, уларнинг сўнгги йиллардаги улуши тобора пасайиб, 2009 йил яқунлари бўйича 20 фоизни ташкил этмоқда. Ушбу давр мобайнида, ўз навбатида, нодавлат сектор, шу жумладан, корхоналарнинг ўз маблағлари, аҳоли ҳамда чет эл инвесторлари маблағларининг ялпи инвестицияларни молиялаштиришдаги улуши ошди. Хусусан, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг ялпи инвестицияларни молиялаштиришдаги улуши 1996-2000 йиллардаги ўртача 0,8 фоиздан, 2010 йил яқунлари бўйича 28,8 фоизгача кўтарилди. Бу эса албатта мамлакатимиз иқтисодиётига жалб қилинаётган хорижий инвестициялар кўлами кенгайиб ва инвесторлар ишончининг ошиб бораётганидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси маълумотларига кўра, корхоналарнинг ўз маблағлари инвестицияларни молиялаштиришнинг асосий манбаига айланган. Уларнинг улуши 2005 йил охирига келиб ялпи инвестицияларнинг қарийб 50%ига етган. Корхоналар ўз маблағларининг инвестицияларни молиялаштиришнинг улуши ЯИМга нисбатан олиб қаралганда, ушбу кўрсаткич 9,6%ни ташкил этмоқда. Инвестицияларни молиялаштиришнинг ички манбалари таркибида аҳоли маблағларининг аҳамияти салмоқли бўлиб қолмоқда. 2009 йил натижалари бўйича инвестицияларни молиялаштиришда аҳоли маблағларининг улуши ЯИМга нисбатан 4,3%ни ташкил қилмоқда.

Инвестицияларни молиялаштиришда миллий молия бозорларининг роли пастлигича қолмоқда. Ялпи инвестицияларни молиялаштиришга йўналтирилган банк кредитларининг ЯИМга нисбати 1996-2000 йилларда 0,4%дан 2005 йилда 0,6%га, 2009 йил якунлари бўйича эса 0,9%га кўтарилди. Бошқа манбалар, шу жумладан, қимматли қоғозлар эмиссия қилиш ҳисобига инвестицияларни молиялаштириш амалиёти ҳали етарли даражада ривож топмаган. Юқоридаги жадвалда акс эттирилган маълумотлардан шуни кўриш мумкинки, 2009 йил натижалари бўйича бошқа қарз маблағларининг инвестицияларни молиялаштиришдаги улуши ЯИМга нисбатан 0,2% атрофида бўлмоқда.

Миллий молия бозорларида узоқ муддатли маблағларни жалб этувчи механизм ва молиявий инструментларнинг чекланганлиги нафақат маҳаллий фирма ва компаниялар, балки чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарнинг ҳам инвестицион фаолиятини чеклаб турувчи омил бўлмоқда. Шу билан бирга, сўнгги йилларда амалга оширилаётган ислохотлар, шу жумладан, ҳукумат томонидан тижорат банкларининг узоқ муддатли кредитларни молиялаштириш фаолиятини рағбатлантирилиши³¹, уй жой

³¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 12 июлдаги ПҚ 670 - сонли қарорига биноан 2012 йил 1 январгача бўлган муддат мобайнида тижорат банкларининг 3 йилдан зиёд муддатга инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш учун берилган кредитларидан олинган даромадлари уларнинг даромад солиғи бўйича солиқ базасини камайтиради.

қурилиши ва реконструкцияси мақсадлари учун аҳоли ва ташкилотларни кредитлаш механизмининг жорий этилиши, молиявий институтлар ва бошқа корхоналар томонидан фонд бозорида таклиф этилаётган қарз мажбуриятлари ва акцияларнинг ҳажмини оширилиши ҳамда қимматли қоғозлар эмитентлари фаолиятига оид молиявий ва корпоратив бошқарувга оид маълумотларнинг доимий тарзда бериб борилишининг жорий этилиши каби қадамлар молиявий институтларнинг инвестицион жараёнлардаги ролини оширишга кўмаклашади.

Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишда корпоратив сектор муҳим аҳамият касб этади. Чет эл инвесторлари кўп ҳолларда яхши бошқарув тизими йўлган қўйилган ҳамда муайян бозор мавқеига эга бўлган корхоналарга маблағ қўйишга интилади. Буни сўнгги йилларда миллий иқтисодиётнинг турли ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳалари корхоналари мисолида кўришимиз мумкин. Буларга алоқа, молия ва банк хизматлари ҳамда қурилиш материаллари, озиқ овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарш соҳаларида фаолият кўрсатаётган кўплаб корхоналарни мисол келтириш ўринли бўлади. Бундай корхоналар чет эл инвестицияларини, биринчи навбатда, стратегик инвесторлардан жалб қилишга муваффақ бўлашди. Иккинчидан, бундай корхоналарга хорижий инвестицияларни жалб қилишда инвестицион институтлар, яъни инвестицион маслаҳатчи, инвестицион фондлар ва компанияларнинг ҳам ўрни аҳамиятли бўлиб, улар фонд бозори орқали сезиларли миқдордаги инвестицияларни жалб этишга кўмаклашдилар.

Фонд бозори орқали хорижий инвестицияларни жалб этиш шу билан аҳамиятлики, у бошқа инвесторлар учун ўзига хос “сигнал” вазифасини ўтайди. Маълумки, фонд биржасида очиқ акциядорлик жамиятлари шаклида ташкил этилган корхоналарнинг акциялари билан олди-сотди операциялари амалга оширилади. Хорижий инвестициянинг кириб келиши натижасида муайян эмитентнинг акцияларига бўлган талаб ошиб боради, бу эса акцияларнинг

ликвидлиги ва уларнинг котировкасини ўсишига таъсир ўтказди. Бундай тенденцияни кузатаётган бошқа фонд бозори иштирокчилари ҳам “ўсаётган” корхонанинг акцияларини сотиб олишга ҳаракат қилади. Бундай ижобий натижаларни кўпайтириш албатта бозордаги мавжуд таклиф билан боғлиқдир. Бозордаги таклиф эса ўз навбатида акциядорлик жамиятлари сони ҳамда уларнинг эркин муомалада бўлган акциялари ҳажми билан ўлчанади. Сўнгги йилларда, бир тарафдан, акциядорлик жамиятлари сонининг пасайиши, иккинчи тарафдан, акциядорлик жамиятлари капитализациясининг ўсиши кузатилди. Бунинг натижасида республика фаолият кўрсатаётган акциядорлик жамиятларининг ўртача капитализация даражаси ошиб бормоқда. Яна бир жиҳати шундан иборатки, эркин муомалада бўлган акциялар улуши аста секин ошиб бормоқда. 2009 йил кунларига кўра эркин муомалада бўлган акциялар улуши жамига нисбатан қарийб 28 фоизга етди. Ушбу кўрсаткичнинг янада ошиб бориши маҳаллий хўжалик юритувчи субъектлари учун фонд бозори орқали инвестицияларни жалб қилиш имкониятидан далолат беради.

Миллий иқтисодиётга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишдаги муҳим ўзгаришлар чет эл инвестициялари иштирокида фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг сони ва уларнинг капитализациясида ўз аксини топади. Сўнгги йилларда мазкур кўрсаткичларда ижобий динамика намоён бўлиб, бундай корхоналарнинг сони ва уларнинг умумий капитализацияси даражаси йилдан йилга тобора ошиб бораётганидан далолат бермоқда. Агар чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар сони ва уларнинг капитализацияси динамикасида 1990 йилларнинг иккинчи ярмида бироз пасайиш тенденцияси кузатилган бўлса, сўнгги йиллар мобайнида ушбу кўрсаткичлар изчил ўсиш динамикасини намоён этмоқда.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишда миллий иқтисодиёт тармоқларининг рақобатбардошлигини маълум даражада уларда фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг капитализацияси билан баҳолаш мумкин.

Айнан шу мақсадда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг иқтисодиёт тармоқлари бўйича тақсимланишига оид БМТнинг Жаҳон инвестиция ҳисоботи ва Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида Ўзбекистоннинг тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишдаги рақобатбардошлиги ривожланаётган Шарқий Европа ва МДХ давлатларига, шунингдек, саноати юксак даражада тараққий топган давлатларга нисбатан қиёсий таҳлил қилинди. Ўтказилган таҳлил натижалари қуйидаги жадвалда қиқача келтирилган.

2.1. – жадвал

Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишда иқтисодиёт тармоқларининг нисбий рақобатбардошлик коэффициенти (2009 йил якунига кўра)

Тармоқлар	Шарқий Европа ва МДХ давлатларига нисбатан	Саноати ривожланган давлатларга нисбатан
Қишлоқ хўжалиги	2.01	14.44
Нефть, газ ва бошқа қазилма бойликлар	0.26	2.34
Озиқ-овқат маҳсулотлари	2.00	6.71
Кимё саноати	0.52	0.28
Металл ва металлни қайта ишлаш	1.29	1.56
Машина ва ускуналар ишлаб чиқариш	1.97	1.20
Қурилиш материаллари	2.10	3.57
Электр, газ ва сув таъминоти	0.50	0.41
Қурилиш	0.62	1.26
Савдо	0.45	0.43
Меҳмонхона ва ресторанлар	0.77	1.47
Транспорт ва коммуникация	0.36	1.37
Тўқимачилик ва енгил саноат	77.47	20.00
Молия хизматлари	0.19	0.10
Бизнес хизматлари	0.22	0.11

Маълум бўлишича, Ўзбекистон Республикаси тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишда қуйидаги тармоқларда, яъни қишлоқ хўжалиги, озиқ овқат маҳсулотлари, метал ва метални қайта ишлаш, қазилма бойликлар, машина ва ускуналар ишлаб чиқариш, қурилиш материаллари, тўқимачилик ва енгил саноати, транспорт ва коммуникация соҳаларида қиёсий устунликка эга. Ушбу соҳаларнинг кўпчилигида республикамизнинг қиёсий устунлиги нафақат ривожланаётган Шарқий Европа ва МДХ мамлакатларига, балки саноати ривожланган мамлакатларга нисбатан ҳам намоён бўлмоқда. Ушбу кўрсаткич бўйича энг юқори даража тўқимачилик ва енгил саноатига тўғри келмоқда.

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар ялпи устав капиталининг 13% машинасозлик саноатига тўғри келади. Буни асосан Андижон вилоятининг Асака шаҳридаги автомобил заводи ҳамда шу завод билан боғлиқ ишлаётган, енгил автомобилларга эҳтиёт қисмлар етказиб берувчи корхоналар фаолияти билан изоҳлаш мумкин. Инвестициялар ҳажми бўйича кейинги ўринларда кимё ва нефткимё, алоқа ва рангли металлургия соҳалари турибди. Ушбу борада алоқа соҳасини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Кейинги 2 йил мобайнида уяли алоқа бозорида чет эл инвесторларининг фаол иштироки кузатилмоқда. Ўзбекистоннинг энг йирик уяли алоқа компанияси “Уздунробита” Россиянинг МТС компанияси томонидан сотиб олинди. 2004 йилнинг августида амалга оширилган ушбу операция натижасида Россиянинг ОАО "Мобильные ТелеСистемы" (МТС) компанияси "Уздунробита"нинг 74% акцияларини сотиб олди. Шунингдек, россия компанияси "Уздунробита"нинг қолган 26% акцияни сотиб олишга доир 3 йиллик опционни имзолади. 2007 йилда ушбу опцион амалга оширилиб, россиялик инвестор компаниянинг қолган 26% акциялар пакетини сотиб олди. Ушбу операция ҳажми охириги 3 йил мобайнида “Уздунробита” уяли алоқа оператори фаолияти сезиларли равишда кенгайиб борганидан ҳамда хорижий инвесторнинг ишончи мустаҳкамланиб бораётганидан далолат бермоқда. Россиянинг МТС компанияси бугунги кунга

қадар Ўзбекистон иқтисодиётига 150 млн. АҚШ доллари миқдорида инвестиция қилди ва бюджетга 40 млн.АҚШ долларига тенг солиқлар тўлади.

Хизмат кўрсатиш тармоқларининг муҳим таркибий қисми ҳисобланган молия бозорларига жалб қилинган тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажми кейинги йилларда тобора ошиб бормоқда. Хусусан, банк тизимида бугунги кунда 5 та хорижий капитал итироқидаги банк фаолият кўрсатаёпти. Булар – АБН АМРО банк (Голландия капитали иштироқида ташкил этилган), ЎзКДБ банк (Жанубий Корея), УТ банк (Туркия), Садерот банк (Эрон) ва Савдогар банк (Германия). Ушбу банкларнинг 4 таси қўшма банк шаклида ташкил этилган бўлиб, уларда хорижий капитал иштироки 30% дан зиёдни ташкил этади. Мазкур банкларда бошқарув хорижий инвесторлар томонидан амалга оширилади. Хорижий капитал иштироқидаги тижорат банкларининг жами капитализацияси ҳамда умумий активлари унчалик катта эмас. Айни пайтда қатор банклар (шу жумладан ЎзКДБ банк) раҳбарияти банкнинг фаолиятини кенгайтириш ва капитализация даражасини оширишга доир режаларни амалга оширишмоқда.

Кейинги йилларда фонд бозорининг фаоллашуви кузатилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси маълумотларига кўра, сўнгги йилларда фонд бозори айланмасининг тобора ошиб боришида хорижий инвесторларнинг аҳамияти катта бўлмоқда. Хусусан, 2009 йилда республика фонд биржаси айланмасининг 65,5 фоизи доллари хорижий инвесторлар ҳисобига тўғри келган. Экспертлар фикрига кўра, хорижий инвесторлар биринчи навбатда юқори ликвидли, даромадли ҳамда яхши корпоратив бошқарув йўлга қўйилган акциядорлик жамиятлари, шу жумладан, тижорат банклари, суғурта ва лизинг компаниялари, нефт ва газ, пахта ва енгил саноат, кимё ва электротехника соҳаси компаниялари акцияларига қизиқиш билдиришмоқда. Фонд бозорида хорижий инвесторлар фаолиятининг жадаллашуви қатор омиллар билан боғлиқ бўлиб, улар қаторида умумий инвестицион муҳитнинг яхшиланиши, акциялар нархининг паст баҳоланганлиги ва маҳаллий акциядорлик жамиятларининг келгусида ривожланиш потенциали юқорилигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Ёқилғи-энергетика соҳасининг зиммасига тўғри келадиган инвестицияларнинг улуши яқин йилларда сезиларли даражада ошиб бориши кузатилмоқда. Сабаби – «Узбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси нефт ва газ соҳасида хорижий ҳамкорлар, жумладан, Россиянинг Газпром ва Лукойл, Хитойнинг CNPC, Малайзиянинг Petronas ва бошқа қатор йирик хорижий компаниялар билан биргаликда бир қатор лойиҳаларни амалга оширишни бошлади. Ушбу лойиҳалар ҳозирги кунда асосан геологик қидирув ва тадқиқот ишларини амалга ошириш билан шуғулланиш босқичида бўлиб, уларнинг актив фазага ўтиши билан хорижий инвестициялар ҳажми кескин ўсиши мумкин.

Сўнгги 10 йил мобайнида машинасозлик соҳасининг ишлаб чиқариш ҳажми чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарнинг умумий маҳсулотига 31% дан 39%га кўтарилди. Бунинг боиси шундан иборатки, республикада автомобилсозлик ва унга алоқадор тармоқлар жадал суръатларда ривожланиб бормоқда.

Таҳлил шуни кўрсатмоқдаки, Ўзбекистон иқтисодиётига жалб қилинган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳудудлар бўйлаб тақсимланиши аста секин яхшиланиб бормоқда. Республика Давлат статистика қўмитасининг 2009 йил охирига оид маълумотларига кўра, чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар устав капиталининг асосий қисми пойтахт ва Тошкент вилоятига тўғри келади. Хусусан, жами корхоналар устав капиталининг 59% (ёки 1,3 млрд.АҚШ доллари) Тошкент шаҳрида, 8,4% (ёки 188 млн.АҚШ доллари) эса Тошкент вилоятида жойлашган. Кейинги ўринларда Андижон (6,8% ёки 153 млн.АҚШ доллари), Наманган (5,5% ёки 122 млн.АҚШ доллари), Фарғона (3,75% ёки 84 млн.АҚШ доллари), Самарқанд (3,6% ёки 80 млн.АҚШ доллари) ва Қашқадарё (3,4% ёки 77 млн.АҚШ доллари) вилоятлари турибди.

Сирдарё вилоятида “Худудий инвестиция дастури” 2010 йилда 15 та лойиҳа доирасида жами 17482,0 минг АҚШ доллари қийматида

инвестицияларни жалб этиш белгиланган эди. Шу жумладан, молиялаштириш манбааларига кўра:

- 1892,0 минг АҚШ доллар лойиҳа ташаббускорларининг ўз маблағлари;
- 15100,0 минг АҚШ доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар;
- 490,0 минг АҚШ доллар маҳаллий кредитлар ҳисобига амалга оширилиши режалаштирилганди. Амалиётда эса, маҳаллий инвесторларнинг ўз маблағлари ҳисобидан 2892,1 минг АҚШ долларлик, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобидан 11315,2 минг АҚШ долларлик ва маҳаллий кредитлар ҳисобидан 797,8 минг АҚШ долларлик инвестициялар жалб қилинди ва ўзлаштирилди. 2010 йил 1 октябрь ҳолатига янги ташкил этилган қувватлар ҳисобига корхоналар томонидан 4,4 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган.

Сирдарё вилоятида Дастурга киритилган лойиҳалар қуйидаги йўналишларда амалга оширилган:

Енгил саноат тармоғида 4 та лойиҳа бўйича жами 7195,3 минг АҚШ долл. миқдорида инвестиция ўзлаштирилган. Жумладан,

- “Nafis Libos” маъсулияти чекланган жамият негизида тайёр тикув маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш лойиҳаси бўйича жами 1573,3 минг АҚШ долл. миқдорида инвестициялар ўзлаштирилди. Корхона ўз фаолиятини "Байтекс тижорат" хорижий корхонаси билан кейинчалик сотиб олиш ижара шартнома асосида амалга оширапти. "Байтекс тижорат" хорижий корхонаси томонидан таъсис ҳужжатлар расмийлаштирилмоқда. Ҳозирги кунда корхона томонидан реконструкция қилиш бўйича ишлар амалга оширилди. Янги асбоб - ускуналар олиб келинмоқда;

- “Baxt Impeks Group” хорижий корхонаси негизида ип калава ишлаб чиқаришни ташкил этиш. Мазкур лойиҳа бўйича 3080,0 минг АҚШ долл. миқдорида инвестициялар ўзлаштирилди. Ҳозирги кунда “Baxt Impeks Group” қўшма корхонаси “Оқ олтин” қўшма корхонаси таркибига қўшиб юборилган;

- “Мили Гулистон Текстиль” қўшма корхонаси негизида ип калава ишлаб чиқаришни ташкил этиш. Мазкур лойиҳа бўйича 2500,0 минг АҚШ долл.

миқдорида инвестициялар ўзлаштирилди. Ҳозирги кунда қўшимча 4000 тонна ип-калава ишлаб чиқариш линияси ишга туширилди.

- “Сирдарё тикув цехи” хусусий корхонаси негизида трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш. Мазкур лойиҳа бўйича 42,0 минг АҚШ долл. миқдорида инвестиция ўзлаштирилди.

Транспорт соҳасида 1 та лойиҳа бўйича жами 995,6 минг АҚШ долл. миқдорида инвестиция ўзлаштирилган:

- “Yolrefrans” акциядорлик жамияти негизида логистика хизматини кўрсатиш. Мазкур лойиҳа бўйича 995,6 минг АҚШ долл. миқдорида инвестиция ўзлаштирилди. Ҳозирги кунда корхона тўлиқ фаолият кўрсатмоқда.

Курилиш моллари ишлаб чиқариш соҳасида 5 та лойиҳа бўйича жами 4167,6 минг АҚШ долл. миқдорида инвестиция ўзлаштирилган:

-“Фейс Бриллиант” хусусий фирмаси негизида акфа ром ва эшиклар ишлаб чиқаришни ташкил этиш. Мазкур лойиҳа бўйича 50,0 минг АҚШ долл. миқдорида инвестиция ўзлаштирилди. Ҳозирги кунда асбоб-ускуналар олиб келиниб корхона тўлиқ фаолият кўрсатмоқда;

- Асл Коғоз” кўшма корхонаси негизида офис коғоз ишлаб чиқаришни ташкил этиш. Мазкур лойиҳа бўйича 3051,0 минг АҚШ долл. миқдорида инвестиция ўзлаштирилди. Корхонада қурилиш-монтаж ишлари олиб борилмоқда ҳамда асбоб-ускуналарнинг биринчи қисми олиб келинган.

-“Боёвут бунёдкор” хусусий корхонаси негизида пишган ғишт ишлаб чиқаришни ташкил этиш. Мазкур лойиҳа бўйича 449,0 минг АҚШ долл. миқдорида инвестиция ўзлаштирилди. Корхона фаолияти тўлиқ йўлга қўйилган. “Темирбетон-Транскурилиш” унитар корхонаси негизида темирбетон блоклари ишлаб чиқаришни ташкил этиш лойиҳаси бўйича 218,2 минг АҚШ долл. миқдорида инвестиция ўзлаштирилди.

-“Сохил Умон Барака” хусусий корхонаси негизида кум ва тош казиб олишни ташкил этиш. Мазкур лойиҳа бўйича 399,4 минг АҚШ долл. миқдорида инвестиция ўзлаштирилди. Ҳозирги кунда корхонага Ислон тарраққиёт

банкнинг лизинг шартномаси асосида Ҳитойдан умумий қиймати 399,4 минг АҚШ долл. қум ва тош қазиб олишга ихтисослашган техника олиб келинди.

Озиқ – овқат соҳасида 3 та лойиҳа бўйича жами 2646,6 минг АҚШ долл. миқдорида инвестиция ўзлаштирилган:

- “Одил Али” фермер хўжалиги негизида сут маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш. Мазкур лойиҳа бўйича 84,9 минг АҚШ долл. миқдорида инвестиция ўзлаштирилди. Ҳозирги кунда корхонага банк кредити ажратилган бўлиб, “КОЛЛАКС-М” сутни қайта ишлашга ихтисослашган модул цехини сотиб олиш шартномаси асосида олиб келинган бўлиб божхона ҳужжатлари расмийлаштирилмоқда;

- “JMP International” қўшма корхонаси негизида мева шарбат ишлаб чиқаришни ташкил этиш. Мазкур лойиҳа бўйича 715,8 минг АҚШ долл. миқдорида инвестиция ўзлаштирилди;

- “Интер милк” маъсулияти чекланган жамияти негизида сут ва гўшт маҳсулотларни ишлаб чиқиш учун 1845,9 минг АҚШ долл. миқдорида инвестиция ўзлаштирилди.

Инвестицияларни кўпроқ минтақаларга жалб этиш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда. Айнан шу мақсадда давлат томонидан чет эл инвесторлари учун қатор рағбатлантирувчи чоралар амалга оширилмоқда. Жумладан, ортиқча ишчи кучига эга бўлган минтақаларда жойлаштирилаётган чет эл инвестициялари учун минимал талаб этилган устав капиталининг миқдори икки баробарга камайтирилган бўлиб, бугунги кунда 75 минг долларни ташкил этади. Бу эса хорижий инвесторлар учун давлатимиз томонидан берилган солиқ, божхона ва бошқа имтиёзлардан фойдаланиш имкониятини беради. Бундан ташқари, нефт ва газ соҳасида хорижий инвесторлар учун геологик қидирув ишлари ва уларни қазиб олишдан олинган даромад бўйича муҳим солиқ имтиёзлари берилган. Бундай лойиҳаларнинг асосан Орол буйи, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари туманларида амалга оширилаётганини инобатга олсак, кейинги йилларда ушбу

минтақаларда ҳам чет эл капитали иштирокидаги корхоналар фаолиятининг кенгайиши ва улар иштирокида янги иш ўринлари яратилишини кутиш мумкин.

2011 йилда Халқаро молиявий институтлар ва хорижий компаниялар билан тузилган шартномалар ва имзоланган битимларга мувофиқ, иқтисодиётнинг реал секторига 3 млрд.дан ортиқ АҚШ доллари миқдорида (шундан 2,2 млрд.АҚШ доллари ёки 73 фоизи тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар) инвестициялар киритиш назарда тутилган. 2014 йилда Низом жамғармаси 5 млрд.дан 10 млрд. АҚШ долларигача оширилиши кўзда тутилган Республика реконструкция ва тараққиёт Фонди ҳисобидан 2011 йилда жами 780 млн. АҚШ доллари қийматига тенг 24 та лойиҳа молиялаштирилиши режалаштирилган бўлиб, ушбу кўрсаткич эса 2010 йилга нисбатан 2,1 марта кўп демакдир.

3 БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА ЎЗБЕКИСТОНГА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШНИНГ УСТУВОР ЙўНАЛИШЛАРИ

3.1. Хорижий инвестицияни жалб этишда Ўзбекистондаги инвестицион муҳитнинг ўрни

Ўзбекистон иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқимларини кўпайтиришнинг асосий шартларидан бири барқарор иқтисодий ва инвестицион муҳитни таъминлашдан иборатдир. Жаҳон тажрибасидан маълумки, кенг кўламли тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишда қулай инвестиция муҳити муҳим аҳамият касб этади. Инвестиция муҳити инвесторларнинг ҳукумат юритаётган иқтисодий сиёсатга ва умуман мамлакатдаги иқтисодий жараёнларга бўлган ишончини белгиловчи мезон бўлиб хизмат қилади. Мамлакатдаги инвестиция муҳити кўплаб омиллар таъсирида шаклланиб, бундай омиллар қаторида иқтисодий ўсиш, хусусийлаштириш, ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш, солиқ-бюджет, монетар ва валюта

сиёсати, ички истеъмол, товар ва молия бозорларини мувофиқлаштириш кабиларни келтириш мумкин.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон иқтисодиёти барқарор ўсиш суръатларини намоиш этмоқда. Хусусан, 2004-2010 йиллар мобайнида Ялпи ички маҳсулотнинг йиллик реал ўсиш суръатлари 7 фоиздан юқори бўлмоқда. Ўзбекистон Республикасида барқарор иқтисодий ўсиш нафақат ташқи (экспорт) бозорлар конъюктурасининг ижобий ўзгариши, балки амалга оширилаётган чуқур иқтисодий ва ижтимоий ислохотлар – устувор тармоқлар ва корхоналарни техник қайта жиҳозлаш ва модернизация қилиш, экспортга йўналтирилган янги ишлаб чиқариш соҳаларини шакллантириш, кичик ва хусусий бизнеснинг тез суръатларда ривожланиши натижасида таъминланмоқда.

Иқтисодий ўсишнинг асосини маҳаллий хом ашёни қайта ишлаш ва жаҳон бозорида рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқаришга йўналтирилган саноатнинг устувор тармоқларини, шунингдек хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ташкил этмоқда. Мустақиллик йилларида ЯИМ таркибида саноат тармоқларининг улуши 11 фоиздан 25 фоизга, хизмат кўрсатиш соҳаларининг улуши эса 18 фоиздан 49 фоизга кўтарилди.

Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва иқтисодий ўсишнинг барқарорлиги таъминлаш мақсадида фаол инвестиция сиёсати юритилиб, саноат ва хизмат кўрсатиш устувор соҳаларида корхоналарни техник қайта жиҳозлаш ва модернизация қилиш, янги технологияларни жорий этиш асосида халқаро бозорларда рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқаришни таъминловчи янги тармоқларини яратишга муҳим аҳамият берилмоқда. Бундай тармоқлар қаторида автомобилсозлик, газ ва кимё, электротехника, тўқимачилик, озиқ овқат, фармацевтика, алоқа ва телекоммуникация, банк ва молиявий хизматлар кўрсатиш каби соҳаларни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Бизнесни рағбатлантириш ва инвестицион фаолиятни қўллаб қувватлаш мақсадида иқтисодиётдаги солиқ юки тобора пасайтирилмоқда. Хусусан, 2000-

2011 йиллар мобайнида даромад (фойда) солиғи ставкаси 38 фоиздан 9 фоизга, ягона ижтимоий тўлов – 40 фоиздан 24 фоизга, кичик бизнес ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчилари учун ягона солиқ ставкаси 9 фоизгача тўширилди. Ўтган давр мобайнида жисмоний шахсларнинг даромадига солинаётган даромад солиғи ставкаси ҳам сезиларли даражада пасайтирилди. Натижада иқтисодиётдаги умумий солиқ юки сўнгги 7 йил мобайнида 40 фоиздан 25 фоизга туширилди.

Тадбиркорлик фаолиятини режалаштириш ва инвестицияларни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этувчи иқтисодий кўрсаткичлар – инфляция даражаси ва валюта курсининг барқарорлиги таъминламоқда. Қатъий пул-кредит сиёсати натижасида инфляция кескин пасайтирилиб, сўнгги йилларда истеъмол нархлари индексининг ўзгариши йилига 10 фоиздан анча паст даражада бўлиши таъминланмоқда. 2003 йилда жорий амалиётлар бўйича миллий валюта конвертацияланишининг жорий этилиши мамлакат иқтисодий ҳаётида муҳим ҳодисага айланди. Валюта курсининг барқарорлигини таъминлаш ва сўмнинг конвертацияланиши бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш Ўзбекистон иқтисодиётига жалб этилаётган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажмининг янада ортишига кўмаклашиши керак.

Бизнинг фикримизча, валюта бозорини эркинлаштириш ўз навбатида ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш соҳасида ҳам маълум ўзгаришларни талаб қилади. Валюта бозорини эркинлаштириш шароитида ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишга оид мавжуд қоидаларини сақлаб қолиниши ички ва ташқи бозорларда товар ва хизматларга бўлган нарх-наво ўртасидаги тафовутни кучайтириши туфайли айрим салбий оқибатларга олиб келиши мумкин:

- қиёсий нархларнинг ўзгариб кетиши ва бунинг натижасида иқтисодий ресурсларни тақсимлаш ва улардан фойдаланиш самарадорлигига таъсири;

- экспортга маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган тармоқларга маҳаллий ва чет эл инвестициялари келишини чеклаб қўйиши мумкинлиги.

Ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш соҳасидаги ўзгаришлар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналари фаолиятини рағбатлантириш ҳамда экспортга маҳсулот ишлаб чиқаришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни назарда тутган ҳолда амалга оширилиши, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бу каби ўзгаришлар маҳаллий ва хорижий инвесторлар учун ўз маблағларини Ўзбекистон иқтисодиётининг халқаро бозорда рақобатбардош соҳаларига жойлаштиришни белгилаб берувчи омил бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Мамлакатда бизнес юритиш ва инвестиция фаолиятини олиб бориш билан боғлиқ рисклар инвестиция муҳитининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Халқаро амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, чет эл инвесторлари учун мамлакатда бизнес юритишнинг риск даражаси кўп ҳолларда унинг халқаро рейтинги билан характерланади. Бугунги кунда халқаро миқёсда фаолият кўрсатаётган 3 та рейтинг агентлиги мавжуд бўлиб, улар “Стандарт энд Пурс”, “Мудис Инвестор Сервисиз” ҳамда “Фитч Рейтингс” компанияларидир. Мазкур компаниялар томонидан мамлакатлар ва уларнинг хўжалик субъектлари фаолиятига оид риск даражасини аниқлаш мақсадида қатор рейтинг воситалари қўлланиб келинмоқда. Улар орасида энг кўп тарқалган ва талаб қилинган рейтинг воситаси бўлиб эмитентлар ва молиявий институтларнинг кредит рейтинги ҳисобланади.

Кредит рейтингининг амалий аҳамияти шундан иборатки, унинг даражаси мамлакатнинг ва унинг хўжалик субъектлари томонидан халқаро капитал бозорларида маблағ жалб қилиш қобилиятига ва бундай маблағларнинг фоиз ставкасига жиддий таъсир ўтказади. Амалиётда мамлакатнинг рейтинг даражаси инвестицион ва спекулятив даражаларга бўлинади. “Фитч Рейтингс” рейтинг агентлигининг методологияси бўйича мамлакатнинг рейтинг даражаси ВВВ ва ундан юқори бўлса, бундай рейтинг инвестицион даражали деб эътироф этилади. Инвестицион даражали рейтингга эга бўлган мамлакатлар ҳамда уларнинг молиявий институтлари ва корхоналари халқаро молия бозорларида қимматли

қоғозларни (облигация ва акцияларни) нисбатан паст фоиз ставкаларида жойлаштириш, яъни маблағ жалб қилиш имкониятига эга бўлади.

3.1. – жадвал.

Айрим мамлакатларнинг суверен рейтинг даражаси ва уларнинг халқаро бозорларда капитал жалб қилиш ҳаражатлари

Мамлакатлар	Узоқ муддатли мажбуриятлар бўйича рейтинг даражаси	JP Morgan Chase EMBI Global Yield Spread
Хитой	A+	68
Польша	A-	62
Малайзия	A-	64
Таиланд	BBB+	72
Венгрия	BBB+	74
Россия	BBB+	89
Мексика	BBB+	112
Филиппин	BB	302
Бразилия	BB+	308
Украина	BB-	212
Туркия	BB-	223

Манба: www.fitchratings.com, Global financial stability report, IMF, 2006

Юқоридаги жадвалдан ҳам кўриш мумкинки, мамлакатнинг суверен рейтинги халқаро капитал бозорларидан маблағ жалб қилишга ва бундай маблағларнинг нархига катта таъсир ўтказди. Инвестицион рейтинг олган мамлакатлар, яъни BBB ва ундан юқори бўлган суверен рейтинг соҳибларининг халқаро молия бозорларида жойлаштирилаётган қимматли қоғозлари бўйича спрэд ўртача 60 - 80 базис пунктларини ташкил этади. Бунинг мазмуни шундан иборатки, ушбу ривожланаётган мамлакатларнинг капитал жалб қилиш ставкалари ривожланган мамлакатларнинг облигацияларига нисбатан 0,6 - 0,8 фоиз юқоридир. Бундай мамлакатлар қаторида Хитой, Малайзия ва Польша кабиларни келтириш ўринли. Суверен рейтинг даражаси BB ва ундан паст бўлган мамлакатлар (жумладан, Филиппин, Бразилия, Украина ва Туркия)нинг халқаро капитал бозорларида муомалада бўлган облигациялари бўйича спрэд ўртача 200 дан 300 базис пунктигача ташкил этмоқда, яъни уларнинг капитал

жалб қилиш харажатлари ривожланган мамлакатларга нисбатан камида 2 – 3 фоиз юқоридир. Шундай қилиб, суверен рейтинг даражаси қанчалик юқори бўлса, мамлакат ва унинг хўжалик субъектлари халқаро молия бозорларидан маблағларни шунчалик паст фоизларда жалб қилиш имкониятига эга бўлади.

Бизнинг фикримизга кўра, Ўзбекистон Республикасининг томонидан халқаро суверен рейтинг олиш бўйича ташкилий ишларни бошлаш лозим. Барқарор иқтисодий ўсиш, паст инфляция даражаси, валюта курсининг барқарорлиги, ташқи қарз даражасининг пастлиги, шунингдек, олтин-валюта захираларининг ўсиб бориши республикамиз учун юқори халқаро рейтинг олишга имкониятларини очиб беради. Халқаро рейтинг олиниши нафақат марказлашган лойиҳаларни молиялаштириш, балки корпоратив сектор – йирик корпорация ва компаниялар томонидан устувор соҳалардаги истиқболли лойиҳаларни молиялаштириш учун узоқ муддатли маблағларни нисбатан арзон нархда жалб қилиш имкониятини беради. Албатта бундай имкониятдан оқилона фойдаланиш лозим. Дастлабки босқичларда халқаро бозорлардан узоқ муддатли маблағларни жалб қилиш миллий иқтисодиётда фаолият кўрсатаётган йирик молиявий институтлар ва корпорациялар томонидан облигацияларни хорижий бозорларда жойлаштириш орқали амалга оширилиши мумкин.

Мазкур ишлар амалга оширилганидан сўнг бир икки йил ўтгач, кейинги босқичда миллий компаниялар томонидан халқаро фонд бозорларида, жумладан, Москва (Москва банклараро валюта биржаси), Франкфурт (Дойче Бурсе) ёки Сингапур (Сингапур фонд биржаси)да акцияларнинг бирламчи жойлаштирилишини (Initial public offering) таъминлашдан иборат бўлиши лозим. Биринчи босқичда облигацияларни муомалага киритилиши ва уларга хизмат кўрсатилиши жараёнида миллий компаниялар халқаро фонд бозорлари талабларини ўрганиш ва бажаришга оид кўникмаларни ҳосил қиладилар. Маълумки, фонд бозорлари орқали маблағларни жалб қилиш эмитентлар, яъни қимматли қоғозларни муомалага чиқарувчи корхона менеджменти ва

акциядорлари учун кўплаб талабларни бажаришни тақозо этади. Бундай талабларнинг аксарият қисми корхонани бошқариш ва акцияларнинг нархига таъсир кўрсатувчи бошқа муҳим воқеалар, қарорлар ва ўзгаришларни мунтазам равишда оммавий ахборот воситаларида ёритиб бориш билан боғлиқ. Шуларни инобатга олган ҳолда, йирик миллий компанияларимиз томонидан дастлабки акциялар жойлаштирилишини ички фонд бозорида ташкил этиш мақсадга мувофиқ, бўларди. Бундай тадбир хусусийлаштириш дастурларига киритилган йирик компаниялар томонидан амалга оширилса, уларнинг акциялари ликвидлигини ва умумий капитализация даражасини янада ошишини таъминлаши мумкин. Республика фонд биржасида амалга оширилаётган савдолар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, сўнгги йиллар мобайнида кўпчилик корхоналар акциялар бўлган талаб анча ўсиб, уларнинг акциялари иккиламчи фонд бозорида номинал қийматга нисбатан анча юқори нархда сотилмоқда. Жумладан, 2009 йил мобайнида Республика фонд биржасида ўтказилган олди-сотди амалиётларининг 82 фоизида акцияларнинг сотиш нархи уларнинг уларнинг номинал қийматидан юқори бўлди. Бундай шароитда акцияларнинг бирламчи бозорда таклиф этилиши кўпчилик корхоналар учун капитализация даражасини сезиларли даражада ошириш имконини бериши мумкин.

Миллий фонд бозоримизда инвесторлар учун жуда муҳим аҳамият касб этувчи яна бир тенденция шундан иборатки, кўплаб корхона ва молиявий институтларнинг акциялари баҳоси бозор кучлари таъсирида шакллана бошлади. Хусусан, 2009 йил мобайнида банклар акциялари бўйича ўтказилган савдо операцияларида уларнинг бозор нархи номинал қийматига нисбатан 1.08 ни ташкил қилди, яъни улар ўртача номиналга нисбатан 8 фоиз юқори сотилган. Шунингдек, бошқа тармоқлар корхоналарининг акциялари бўйича ўтказилаётган савдоларда ҳам шундай тенденция намоён бўлмоқда. Жумладан, 2008 йилнинг январидан ўтказилган биржа савдоларида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ва қурилиш, истеъмол моллари

ишлаб чиқариш, савдо соҳаси ҳамда лизинг ва суғурта хизматлари кўрсатиш корхоналарининг акцияларига бўлган талабнинг юқорилиги кузатилди.

Фонд бозори амалиётига кўра, биржа листингига киритилган акциядорлик жамиятларининг акциялари энг юқори ликвидлик даражасига эга ҳисобланади. Биржа листингига кириш учун эмитентлар маълум талабларга жавоб бериши лозим. Бундай талаблар қаторига эмитентларнинг устав капитали ва акциядорларининг сонига нисбатан минимал талаблар, фаолиятнинг ижобий молиявий натижалар билан чиқиши, мунтазам равишда биржада ўтказилаётган савдоларнинг минимал миқдорини таъминлаш, шунингдек, молиявий ва бошқа маълумотларни доимий равишда чоп этиб бориш кабиларни киритиш мумкин. 2009 йилда мобайнида «Тошкент» Республика фонд биржасининг листингига киритилган акциядорлик жамиятлари сони 4 тадан 10 тага кўпайди. Листингда иштирок этаётган эмитентлар сонининг кўпайиши албатта ижобий тенденция ҳисобланиб, инвесторлар учун мавжуд молиявий воситалар кўламини кенгайтириш ва уларнинг юқори ликвидлигини таъминлаш имкониятини беради. Шу билан бирга, бугунги кунда листингда иштирок этаётган эмитентлар барчаси тижорат банкларидан иборат эканлигини инобатга олган ҳолда, миллий иқтисодиётнинг етакчи ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида фаолият кўрсатаётган корхоналарни ҳам листингга жалб қилиш зарурати мавжуд.

Маълумки, инвесторлар учун портфелнинг диверсификацияси муҳим аҳамият касб этади. Бу, ўз навбатида, фонд биржаси орқали акцияларини сотувга чиқараётган очик акциядорлик жамиятлари сони ва уларнинг тармоқлар бўйича турли-туманлигини таъминлашни талаб этади. Йирик компаниялар учун фонд бозори орқали маблағларни жалб қилишни рағбатлантириш муҳим аҳамиятга эга. Бу борадаги асосий масалалар – биржа листингига кираётган йирик корхоналар учун иқтисодий имтиёзлар ва афзалликлар тизимини яратиш, инвесторлар (юридик ва жисмоний шахслар) учун фонд биржасида муомалада бўлган акциялар ва облигацияларга маблағларни жойлаштиришни

рағбатлантириш мақсадида улардан олинадиган даромадларга нисбатан солиқ имтиёзлари бериш, молиявий инструментларнинг ликвидлигини таъминлашга қаратилган амалий чора-тадбирларни (жумладан, эркин муомалада бўлган акцияларни ҳажмини кўпайтириш ва маркет-мейкерлик механизмини жорий этиш) кўриш билан боғлиқдир. Ушбу масаланинг муҳим жиҳати шундан иборатки, эркин муомалада бўлган акциялар улушини ошириш йирик, давлат тасарруфида бўлган ва хусусийлаштириш дустурларига киритилган корхоналарни хусусийлаштириш жараёнини жадаллаштиришни талаб этади.

3.2. Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози шароитида Ўзбекистонга хорижий инвестицияларни жалб этишни фаоллаштиришнинг устувор йўналишлари

Миллий иқтисодиётга тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этиш борасидаги иқтисодий сиёсат халқаро миқёсда хорижий инвестицияларга нисбатан қабул қилинган тамойиллардан кенгроқ фойдаланиш, инвестиция фаолияти ва бизнес юритишга доир маъмурий талабларни имкон қадар енгиллаштириш ҳамда инвестициялашнинг устувор йўналишларини белгилаш нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда шакллантирилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди. Маълумки, бизнинг шароитларда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг миқёсда давлат бюджет орқали фискаль воситалар ёрдамида рағбатлантириш имконияти чекланган. Шу боисдан, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этишнинг устувор йўналишлари ва инвестицияларни рағбатлаштириш услублари, имтиёзларни бериш шартлари каби масалалар аниқ ва равшан ҳал қилинишини лозим. Рағбатлантирувчи чоралар имкони борича қонунчилик ҳужжатларига таяниши ва инвесторлар учун транспарент, яъни очиқ-ойдин бўлиши талаб этилади. тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни рағбатлантириш сиёсати ўрта муддатларга мўлжалланган кенг иқтисодий ривожланиш сиёсати билан мувофиқлаштирилган ҳолда ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши лозим. Бунинг натижасида узок муддатга мўлжалланган ички ва ташқи инвестицияларни кенгроқ жалб этиш учун зарур шарт-шароитнинг иқтисодий ва рағбатлантирувчи асосини янада кучайтиришга имконият яратилади.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этиш соҳасидаги сиёсат халқаро миқёсда қабул қилинган бир қатор бош тамойилларга таяниши лозим. Бу йўналишдаги сиёсатнинг стратегик мақсади хорижий инвесторларга Ўзбекистон иқтисодиётига инвестиция киритиш учун қулай шарт-шароит таъминлайдиган миллий режим тақдим этишдан иборат

бўлиши шарт. Бунинг учун кенг кўламли солиқ, инвестиция ҳамда корпоратив қонунчиликни ўзгартириш бўйича узоқ муддатли тайёргарлик ишлари олиб борилиши керак. Бугунги кун шароитларидан ҳамда хўжалик фаолияти юритишнинг амалиётидан келиб чиққан ҳолда, хориждан узоқ муддатли маблағларни жалб этиш ҳам қонунлар ёрдамида, ҳам ҳукуматнинг муайян инвесторлар билан махсус битимлари доирасида яратиладиган аниқ имтиёзлар ва кафолатлари тизимидан фойдаланишни тақозо этишини таъкидлаш ўринли.

Халқаро миқёсда турли-туман имтиёзлар берилиши орқали хорижий инвестициялар учун рақобат кучайганлиги, шунингдек республикамиздаги инвестиция муҳитининг хусусиятларини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикасида миллий режим тамойили хорижий инвесторлар учун имтиёз ва кафолатлар тизими билан тўлдирилиб бориши, мақсадга мувофиқ бўлади. Айти пайтда, бундай имтиёзларнинг қўлланиши муваққат чора сифатида баҳоланиб, уларни ишлатишнинг кўламлари аниқланиб олиниши лозим, деб ҳисоблаймиз. Келгусида бундай имтиёзлар босқичма-босқич бекор қилиниши мумкин.

Ўрта ва узоқ муддатли истиқболда халқаро амалиётда қабул қилинган хорижий инвестицияларни ҳуқуқий тартибга солиш тамойилларига жиддий эътибор берилиши талаб этилади. Бу ерда, авваламбор, хорижий инвесторлар учун миллий иқтисодиёт жозибадорлигини оширишга қаратилган инвестицияларни амалга ошириш ва бизнес юритишни тартибга соладиган ҳуқуқий – меъёрий асоснинг барқарорлиги ва транспарентлигини таъминлаш масаласи кўрилиши лозим. Халқаро амалиёт шундай далолат бермоқдаки, қонунчиликдаги тез-тез юз берадиган ўзгаришлар, қонунлар ва норматив ҳужжатлар ўртасидаги қарама-қаршиликлар ва улардаги қоидаларнинг турлича талқин этилиши ва шу каби бошқа салбий ҳолатлар хорижий инвесторларни жалб қилишда тўсиқ бўлиб турувчи омиллардан бири ҳисобланади. Транспарентлик тамойили хорижий инвесторлар фаолиятини тартибга солиб турувчи ҳуқуқий меъёрлар очиқ-ойдин ва турли

хил талқинларга имкон қолдирмайдиган бўлиши, бу меъёрларни қайта кўриб чиқиш жараёнлари ҳам очик-ойдин ва манфаатдор томонлар, шу жумладан хорижий инвесторлар муҳокама этилаётган масалалар юзасидан ўз нуқтаи назарини баён эта олиш имконини таъминлайдиган шароитда ўтказилиши талаб этади.

Мавжуд қонунчилик ҳужжатларида хорижий инвесторларнинг ривожланаётган иқтисодиётларга хос бўлган баъзи таваккалчилик турлари билан боғлиқ йўқотишлари ўрнини қоплашга оид қафолатлар келтирилмаган. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг қафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги қонунида чет эллик инвесторлар учун инвестициялаш шарт-шароитларини ёмонлаштиришга олиб келувчи ҳолатлар келтирилган бўлиб, улар янги қонунларни қабул қилиниши, қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши кабилар билан чекланади. Бундан ташқари, инвестициялаш шарт-шароитларини ёмонлаштиришга олиб келувчи ҳолатлар юзага келганда, чет эллик инвесторлар зарарларини қоплаш ёки компенсация қилиш масалалари аниқлаштирилмаган.

Бизнинг фикримизча, инвестиция қилиш ва хўжалик фаолиятини юритишга доир қонунчиликни такомиллаштиришда қуйидаги жиҳатларга эътибор бериш лозим:

– миллий иқтисодиётда тўлов балансини тартибга солиш билан боғлиқ ҳолатлар вужудга келганда, хорижий инвесторлар учун даромад ва капитални қийинчиликларсиз олиб чиқиб кетиш имкониятини берувчи қафолатлар яратиш;

– Ўзбекистон Республикасининг бошқа мамлакатлар билан икки томонлама инвестицияларни рағбатлантириш ва инвесторларнинг даромадларини икки қайта солиққа тортишнинг олдини олишга қаратилган битимлар сонини кўпайтириш.

Шу билан бирга халқаро иқтисодий интеграция жараёнлари жадаллашиб боргани сайин Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ) келишувларининг айрим жиҳатларига алоҳида эътибор берилиши лозим. Шу ўринда, ЖСТнинг савдо билан боғлиқ инвестиция чоралари (Trade related investment measures) билан боғлиқ талабларнинг қўлланишини синчиклаб таҳлил этиш талаб этилади. Мазкур талаблар доирасида ЖСТга аъзо мамлакатлардан қуйидаги савдо билан боғлиқ инвестиция чораларидан фойдаланишига чекланишлар мавжуд:

1. Чет эл инвестициялари иштирокидаги компаниялардан маҳаллий бозорда ишлаб чиқарилган товар ва хизматларни маълум бир белгиланган ҳажмда сотиб олиш ёки фойдаланишни талаб этиш;
2. Хўжалик юритиш мақсадида товар ва хизматларни импорт қилиш масаласини чет эл инвестициялари иштирокидаги компанияларнинг ўз маҳсулотини маълум бир белгиланган ҳажм ва қийматда экспорт қилиш зарурати билан боғлаш талаби;
3. Хўжалик юритиш мақсадида товар ва хизматларни импорт қилиш масаласини чет эл инвестициялари иштирокидаги компанияларнинг ўз маҳсулотини экспорт қилишдан келиб тушган хорижий валюта тушумлари ҳажмига боғлаш талаби.

Мазкур талаблар айримлари турли кўринишларда у ёки бу қонунчилик ва норматив ҳужжатларда ўз аксини топганлигини инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати келажакда ЖСТга аъзолигини кўзлаб олиб борадиган музокараларда мазкур масалалар юзасидан ўзининг аниқ ва равшан позициясини белгилаб олиши лозим. Бошқа мамлакатлар тажрибасига асосланган ҳолда таъкидлаш ўринлики, савдо билан боғлиқ чекловчи инвестиция чораларини қўллаш муддатини 10

йил давомидаги ўтиш даври мобайнида босқичма-босқич бекор қилишга келишиш, мақбул йўл бўлар эди.

Миллий иқтисодиётга катта ҳажмдаги инвестициялар жалб этишнинг зарур шартларидан бири инвестиция ва тадбиркорлик фаолиятини тартибга солувчи тегишли ҳуқуқий меъёрларнинг амалиётда самарали ишлашини таъминлашдан иборат. Ушбу масала авваламбор чет эл инвесторлари учун хўжалик фаолияти бўйича ҳамкорлари, кредиторлар, бошқарув идоралари ва бошқа томонлар билан бизнес юритиш давомида юзага келиши мумкин бўлган турли мунозарали ҳолатлар ва келишмовчиликларни ҳал этишнинг ҳолисона ва самарали суд амалиётидан фойдаланишга оид муайян кафолатлар берилишини талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги чет эл инвесторлари ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг кенг имкониятларини беради. Хусусан, «Чет эл инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги қонуннинг 10-моддасига биноан чет эллик инвестор иштирокидаги баҳслар Ўзбекистон Республикаси Хўжалик суди томонидан ёки халқаро шартномаларнинг (битим ва конвенциялар) қоида ва амалиётларига биноан арбитраж ҳакамлигида ҳал этилади. Шунингдек, инвестицияга оид низоларни ҳал этишда икки тараф ўзаро келишувга кўра бундай низони кўриб чиқувчи орган ва ҳакамлик судловини амалга оширувчи мамлакатни ўзлари аниқлашлари мумкин. Бу албатта чет эл инвесторлари учун мақбул ва қулай йўл ҳисобланади, лекин ўз навбатида маҳаллий ҳамкорлар низоларни ҳал этишнинг бундай усули сезиларли миқдордаги молиявий маблағларни сарфлашни талаб этади. Шунга қарамасдан, зарур ҳолларда Ўзбекистон Республикасида юзага келган тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни амалга ошириш билан боғлиқ низоларни ҳал қилиш учун халқаро арбитраждан фойдаланиш имкониятини кўриб чиқиш, мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бундай чора чет эл инвесторларининг ишончини оширишга хизмат қилади. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган чет эл инвесторлари

иштирокидаги келишмовчиликларни ҳал этишнинг ҳуқуқий асосларини ва уларни қўллашнинг амалий механизмларини янада такомиллаштириш лозим. Бунинг учун хўжалик судларида чет эл инвестициялари билан боғлиқ ишларни кўриб чиқиш механизмини такомиллаштириш, шунингдек, ҳакамлик судлари фаолиятини ривожлантириш лозим бўлади.

Халқаро тажриба шуни кўрсатмоқдаки, чет эл инвестицияларини жалб этиш ва улардан миллий иқтисодиётни ривожланиш мақсадларида кенгроқ фойдаланишда эркин иқтисодий ҳудудларни (ёки уларга хос бўлган қатор хусусиятларга эга бўлган бошқа тизимлар) яратиш қўл келиши мумкин. Бугунги кунда кўпгина ривожланаётган мамлакатларда бундай ҳудудлар зиммасига экспорт қилинаётган қайта ишлаш саноати маҳсулотларининг каттагина қисми тўғри келади. Шу билан бирга, бундай чора – тадбирлар самарадорлиги бошқа соҳалардаги ишлар, жумладан, экспортга маҳсулот чиқаришга ихтисослашган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этиш ва улар сифатини ошириш учун зарур инфратузилма яратиш билан чамбарчас боғлиқдир. Бундай ҳудудлар Хитой, Ҳиндистон, Бангладеш, Малайзия, Филиппин ва Сингапур каби Осиёнинг кўплаб ривожланаётган давлатларида муваффақиятли фаолият кўрсатишмоқда.

Иқтисодий рағбатлантириш чораларини, айниқса ЭИХ нуқтаи назаридан қўллаш масаласи кўриб чиқилганида, уларнинг самарадорлиги билан бир қаторда халқаро меъёрий базага, яъни ЖСТ қоидаларига мувофиқлигини ҳам инобатга олишимиз лозим. Бу жиҳатдан экспорт субсидияларининг ўрни алоҳида эътиборга молик. ЖСТнинг субсидиялар ва компенсация чоралари бўйича битимининг VII иловасида санаб ўтилган аъзо-мамлакатлар (аниқроғи, шу иловада келтирилган ривожланаётган мамлакатлар ва аъзолар томонидан миллий даромад миқдори аҳоли жон бошига 1000 АҚШ доллари даражасига эришгунига қадар)дан фарқли ўлароқ, бошқа ривожланаётган аъзо мамлакатлар 2003 йилнинг 1 январидан экспорт субсидияларини бекор қилишлари талаб этилган.

ЭИХлар мамлакатга экспортга маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилган инвестицияларни жалб қилишда муҳим аҳамият касб этиши аниқ. Маълумки, ЭИХ жойлашган компаниялар томонидан экспорт учун маҳсулот ишлаб чиқаришни турли солиқлар (масалан, маҳсулотларни сотишни кўшилган қиймат солиғидан озод этиш йўли билан) ва импорт божларидан озод қилиш (тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришда ишлатиладиган хом ашё ва эҳтиёт қисмларни импорт қилишда акциз солиғи ёки импорт божидан озод қилиш орқали) воситасида рағбатлантириш мумкин. Шу боисдан, ЭИХларини ташкил этиш ва ривожлантириш билан бир вақтда бундай лойиҳаларни кейинги босқичларда республика минтақаларида ишлаб чиқариш мажмуаларини янада ривожлантиришнинг муҳим омили вазифасини бажарадиган саноат ва илмий-техника парklarига айлантириш масаласини кўриб чиқиш тавсия этилади.

Экспортга маҳсулот чиқаришга ихтисослашган чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарга нисбатан иқтисодий сиёсат дастакларини танлаш мамлакат иқтисодий ривожланишининг умумий стратегиясига боғланиши лозим. Турли дастаклар муайян мақсадга йўлланган ҳолда қўлланилганда тегишли самара бериши маълум. Бизнинг фикримизча, экспортга йўналтирилган инвестицияларни жалб этишга қаратилган ягона ёндашувни ишлаб чиқиш зарур. Бундай ёндашувнинг асосий мақсади инвестиция жалб этиш имкониятларини ошириш бўлиб, бу мамлакатнинг иқтисодий тараққиёт йўлидаги бошқа мақсадларини амалга оширишга ҳам ўзига хос туртки вазифасини бажаришга кўмаклашади. Бунинг учун бизнинг шароитимизда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг қайси турлари ва қайси соҳаларга киритилишини рағбатлантириш, шунингдек, ички инвестициялар билан кенг кооперация алоқаларини ўрнатилишига имконият яратувчи лойиҳаларни қўллаб – қувватлаш масалаларини ҳал этиш лозим.

Шу ўринда, миллий иқтисодиётнинг аниқ фаолият турлари бўйича нисбий рақобатбардошлигини чуқур англаб этиш муҳим аҳамиятга эга. Бу борада фойдали маълумотларни нисбатан арзон амалий ёндашув ёрдамида

олиш мумкин. Бу ёндашув мавжуд савдо ҳамда саноат моделларини таҳлил этиш, инвесторлар (ички ва ташқи) билан маслаҳатлашув олиб бориш, бошқа мамлакатлар ёки минтақалар экспорт билан шуғулланувчи тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишда эришган натижаларни таҳлил этиш каби экспортга ихтисослашган инвестиция жалб этишга кўмаклашадиган омилларни баҳолашга асосланади. Бу каби баҳолаш бозорнинг иқтисодий, географик, демографик ва бошқа мезонларга асосланган нисбатан тор ихтисослашувининг асоси бўлиши мумкин.

Тармоқлар, маҳсулот ва хизматлар турларининг нисбий рақобатбардошлигини аниқлашнинг амалий усулларидан бири экспорт таркибини таҳлил қилишдан иборатдир. Республика экспорти таркибини товарлар ва хизматлар миқёсида маълум бир давр мобайнида таҳлил этиш ёрдамида энг юқори ўсиш суръатларига эга бўлган маҳсулот ва хизматлар гуруҳларини аниқлаш мумкин. Бу эса албатта иқтисодиётда кузатилаётган тенденцияларни ва экспорт фаолиятидаги ўзгаришларни, товарлар ва соҳалар миқёсида нисбий рақобатбардошлик даражасини аниқлашга ёрдам беради.

Мақсадли ёндашувнинг яна бир муҳим қисми инвестицияларни жойлаштирилишини белгилаб берувчи ТМКларнинг корпоратив стратегиясини синчиклаб ўрганишдан иборат. Аксарият соҳаларда географик ва функционал ихтисослашув намоён бўлаётганлигини ҳисобга олиб, мамлакатимиз учун халқаро ишлаб чиқариш тизимлари билан кооперация алоқаларини ўрната оладиган ишлаб чиқариш «соҳа»ларини аниқлаб олиш фойдадан ҳоли бўлмайди. Бундай ёндашув аниқ мақсадларга йўналтирилган бўлса, инвестицияларни рағбатлантириш агентлигининг фаолиятини яхшилаш шунчалик осон кечади. Бўлғуси инвесторларни излаш жараёнида мамлакатда фаолият кўрсатаётган йирик чет эл компаниялари ва улар иштирокидаги корхоналар ўзига хос «сигнал» вазифасини ўтайди. Бундай корхоналар инвестиция имкониятлари мавжудлигининг «жонли» гувоҳи бўлиб, қўшимча инвестицияларни қаердан олиш кераклигига аниқлик киритиш мумкин. Мамлакатдаги чет эл

инвестициялари иштирокидаги корхоналарнинг ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш занжирини ташкил этган компаниялар, яъни уларга хом ашё, ярим тайёр маҳсулот етказиб берувчилар ва уларнинг маҳсулотини харид қилувчи ёки сотувчи (жумладан, дистрибьютор ва дилерлик вазифаларини бажарувчи) корхоналар фаолияти ҳам эътибор билан таҳлил этилиши лозим.

Экспортга ихтисослашган тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни рағбатлантириш мамлакат иқтисодий ривожланиш стратегиясининг узвий қисмига айланиши лозим. Шу мақсадда қўйидагиларга алоҳида эътибор бериш, мақсадга мувофиқ бўлар эди:

– чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарнинг инсон ресурсларини ривожлантириш ва уларнинг малакасини оширишга қаратилган фаолиятини қўллаб қувватлаш. Жумладан, кадрларни малакасини ошириш ва уларни қайта ўқитишга сарфланадиган ҳаражатларни корхоналарнинг фойдасидан тўланадиган солиқни ҳисоблаш базасидан чиқариб ташлаш;

– инвестицияларни жалб этишни рағбатлантиришга хизмат қиладиган юқори сифатли инфратузилма, шу жумладан, тегишли минтақалар ва соҳаларда ЭИХ, саноат ва илмий-техника парклари барпо этиш масаласини кўриб чиқиш;

– миллий иқтисодиётнинг нисбий рақобатбардошликка эга тармоқлари ва соҳаларида инвестицион ва бизнес фаолиятини қўллаб қувватлаш мақсадида мазкур соҳалардаги миллий ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи корхоналарга муайян мақсадларга йўналтирилган рағбатлар тизимини яратиш.

Сўнгги фикр айниқса муҳим аҳамият касб этади. Экспортга ихтисослашган фаолият турларини кенгайтириш ва уларнинг барқарорлигини таъминлаш учун чет эл компаниялари ва маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги кооперация алоқаларини ривожлантириш керак. Экспортга ихтисослашган чет эл инвестициялари иштирокидаги

корхоналар маълум бир чекланган корхоналар доирасида иш юритганида, ўзининг эҳтиёт қисмлари ва хом ашёга бўлган эҳтиёжини тўлалигича ёки асосан импорт ҳисобига таъминлаб, сўнг ярим тайёр ёки тайёр маҳсулотни ички бозорда ёки экспортга чиқаради. Айнан ана шу каби шароитда кооперация алоқаларини ривожлантириш иқтисодий сиёсатнинг узвий қисмига айланиши лозим. Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар билан кооперация алоқаларини ўрнатиш маҳаллий фирма ва компаниялар орасида касб-ҳунар кўникмалари ҳамда махсус билим ва технологияларнинг ёйишнинг муҳим канали бўлиб хизмат қилади. Ҳамкор излаб топиш бўйича маълумот бериш ва хизмат кўрсатиш, чет эл инвесторларининг маҳаллий етказиб берувчи корхоналарнинг технологик имкониятларини кенгайтириш ва модернизация қилиш дастурларидаги иштирокини рағбатлантириш, миллий маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг молиявий манбаларини кенгайтириш инвестицион сиёсатнинг муҳим вазифалари ҳисобланади.

Миллий иқтисодиётнинг нисбий рақобатбардошликка эга бўлган соҳалари ва минтақаларида инвестицион фаолиятни рағбатлантириш чоралари қаторида ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуаларини яратишга ҳам эътибор берилиши лозим. Бундай мажмуалар бир хил ёки ўхшаш фаолият билан шуғулланадиган компанияларнинг саъй – ҳаракатлари натижасида ўз ҳолича шаклланиши мумкин бўлса ҳам, уларни ҳукуматнинг стратегик аралашуви билан яратиш ушбу жараёни тезлаштириши мумкин. Бизнинг фикримизча, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишга асосланган мажмуаларни яратиш йўлида қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор бериш лозим. Улардан биринчиси – инвестицион ва тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш жараёни билан боғлиқ. Давлат бошқарув идоралари томонидан рақобат муҳитида фаолият юритувчи турли тармоқлар учун қулай инвестицион ва бизнес юритиш яратиш мақсадида уларнинг асосий талабларини аниқлаб олиш ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуаларини яратиш ва уларнинг самарали фаолият юритишини таъминлашда ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Ушбу мураккаб жараённинг

иккинчи жиҳати ташкилий масалалар билан боғлиқдир. Инвестицияларни маълум бир ҳудудда жойлашувини нисбий рақобатбардошликка эга бўлган соҳаларда ЭИХ, саноат ва илмий-техника паркларини барпо этиш ҳисобига рағбатлантириш мумкин.

ХУЛОСА

Мазкур БМИни бажаришда қуйидаги илмий хулосалар ва амалий таклифлар ишлаб чиқилди:

1. Миллий иқтисодиётдаги инвестиция жараёнлари устун даражада ички манбалар, шу жумладан, хўжалик субъектларининг ўз маблағлари, давлат бюджети маблағлари, аҳоли жамғармалари ва ички қарз маблағлари ҳисобига молиялаштирилмоқда. Мисол учун, 2002 - 2010 йилларда миллий иқтисодиётдаги жами инвестицияларнинг ўртача 78 фоиздан кўпроқ қисми ички манбалар ҳисобига амалга оширилди.

2. Иқтисодиётни эркинлаштириш босқичида хорижий инвестицияларни жалб қилишда сифат ўзгаришлари содир бўлмоқда. Жалб қилинаётган хорижий инвестициялар таркибида қарз маблағлари улушининг пасайиши билан бирга хусусий инвестицияларнинг ҳажми жадал ошиб бормоқда. Хусусан, тўғридан-тўғри инвестицияларнинг жами ташқи инвестициялар таркибидаги улуши 2001 йилдаги 25 фоиздан 2010 йилда 79 фоизга етди.

3. Хусусий хорижий инвестицияларнинг кириб келиши хорижий инвестициялар иштирокида ташкил этилган корхоналар сонининг кўпайиши, капиталлашуви ва ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ўсишида намоён бўлмоқда.

4. Иқтисодий ислохотлар чуқурлашуви ва ташқи савдо конъюнктурасида юзага келган ўзгаришлар таъсирида миллий иқтисодиёт тармоқларининг хорижий инвестицияларни жалб қилишдаги рақобатбардошлик даражаси ўзгариб бормоқда. Агар 1990 йиллар ўртасида савдо ва умумий овқатланиш тармоғига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг асосий қисми жалб қилинган бўлса, иқтисодиётни эркинлаштириш босқичида хорижий инвестицияларнинг аксарият қисми озиқ-овқат, тўқимачилик ва енгил саноат, машинасозлик тармоқлари каби юқори қўшилган қиймат яратилаётган соҳаларга тўғри келмоқда. 2009

йилда ушбу тармоқлар хиссасига жами хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар устав капиталининг 59 фоизи тўғри келмоқда. Бизнинг фикримизча, бундай ижобий натижаларга давлат инвестиция сиёсатидаги муҳим ўзгаришлар, шу жумладан, маҳаллий ишлаб чиқаришни рағбатлантириш ва юқори ишлаб чиқариш технологияларини импорт қилишни қўллаб-қувватлаш сабаб бўлмоқда.

5. Тўғридан-тўғри жалб қилинган хорижий инвестицияларни иқтисодиётнинг хизмат кўрсатиш тармоқларига йўналтирилишида ижобий тенденциялар содир бўлмоқда. Сўнгги йилларда телекоммуникация (МТС, «Билайн», «Телесонера» ва «Сумитомо» каби компаниялар инвестициялари), алоқа (Хитойнинг «Финекс» компанияси томонидан «Ўзбекистон почтаси» акциядорлик жамиятининг 34,8 фоиз акциялар пакети сотиб олиниши) ва молиявий хизматлар (Корея тараққиёт банки, қатор суғурта ва инвестиция хизматлари кўрсатадиган компаниялар инвестициялари) соҳаларига йирик миқдордаги хорижий инвестициялар кириб келиши кузатилмоқда. Ушбу ижобий ҳолатнинг ўзига хос жиҳати шундан иборатки, мазкур тармоқлардаги аксарият хориж инвестициялари мавжуд корхоналарни сотиб олиш орқали амалга оширилиб, мулкчилик ҳуқуқи ўзгарилиб, қўшимча инвестиция маблағлари корхоналар фаолиятини янада кенгайтиришга йўналтирилмоқда.

6. Ҳозирга қадар тўғридан-тўғри жалб қилинган хорижий инвестицияларнинг аксарият қисми саноати ривожланган ёки табиий ресурсларга бой минтақаларга, жумладан, Тошкент шаҳри, шунингдек, Тошкент, Самарқанд, Қашқадарё, Андижон, Наманган ва Навоий вилоятларига киритилган. 2009 йил маълумотларига кўра, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарда миллий иқтисодиётда жами иш билан банд бўлганларнинг 1,9 фоизи фаолият кўрсатмоқда. Шу сабабли ҳам, ортиқча ишчи кучига эга бўлган туманларга инвестициялар жалб қилиш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг янги турларини жорий этиш ва қўшимча иш ўринлари яратиш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

7. Республикамизда фаолият кўрсатаётган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарда меҳнатга ҳақ тўлаш даражаси маҳаллий корхоналарга нисбатан ўртача 1,2 марта юқори бўлмоқда. Фикримизча, бундай ҳолат, бир томондан, хориж капитали иштирокидаги корхоналарда ишлаб чиқариш ва меҳнат самарадорлиги юқорилигидан далолат берса, иккинчи томондан, бундай корхоналар ишлаб чиқаришни яхши ташкил этиш ва маҳаллий корхоналарга нисбатан рақобатбардошликни таъминлаш мақсадида керакли малака ва кўникмаларга эга ходимларни жалб қилиш учун ўртача иш ҳақи даражасига нисбатан юқорироқ ҳақ тўланишга ҳаракат қилишаётганлигини кўрсатади.

8. Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг миллий иқтисодиётга кўрсатадиган ижобий таъсирини янада кучайтириш чора-тадбирларини амалиётга татбиқ этиш лозим. Ушбу мақсадда хорижий инвесторларни миллий иқтисодиётнинг халқаро савдода рақобатга бардош берадиган тармоқларига жалб этиш, аҳолини иш билан таъминлашга хизмат қилувчи лойиҳаларни, маҳаллий бозорга хизмат қилишга мўлжалланган инвестициялар билан бир қаторда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг истиқболли соҳаларида кўпроқ экспортга йўналтирилган инвестицион лойиҳаларни амалга оширишни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашнинг бозор механизмларини такомиллаштириш зарур.

АБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Расмий ҳужжатлар

1.1. Ўзбекистон Республикаси қонунлари.

1.1.1. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги қонуни;

1.1.2. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни химоя қилиш чоралари тўғрисида»ги қонуни;

1.1.3. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 24 декабрда қабул қилинган «Инвестицион фаолият тўғрисида»ги қонуни;

1.1.4. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрда қабул қилинган «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги қонуни.

1.2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари.

1.2.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 30 ноябрда қабул қилинган “Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарга берилаётган қўшимча рағбат ва имтиёзлар тўғрисидаги” ПФ-1652 сонли Фармони;

1.2.2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 26 августда қабул қилинган “Хорижий сармоялари бўлган корхоналар ишлаб чиқарадиган маҳсулот экспортини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-1831 сонли Фармони;

1.2.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 9 февралда қабул қилинган “Хорижий инвестициялар иштирокидаги лойиҳаларни амалга ошириш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-1924-сонли Фармони;

1.2.4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 апрелда қабул қилинган "Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-3594 сонли фармони.

1.2.5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 12 июлда қабул қилинган ПҚ 670 - сонли қарори.

1.3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси қарорлари.

1.3.1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 1999 йил 22 июнда қабул қилинган “Давлат мулкани хорижий инвесторларга сотиш бўйича тендер савдолари ўтказувчи Давлат комиссияси тўғрисида”ги 309-сонли қарори;

1.3.2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2003 йил 2 майда қабул қилинган “Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ҳуқуқий ҳимоя қилишни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 205-сонли қарори;

1.3.3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2004 йил 9 февралда қабул қилинган “Устувор инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун хорижий инвестицияларни жалб этиш механизмини такомиллаштириш тўғрисида”ги 58-сонли қарори.

1.4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов асарлари.

1.4.1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли. – Тошкент: Ўзбекистон, 1992. – 78 б.

1.4.2. Каримов И.А. Ўзбекистон: иқтисодий сиёсатнинг устивор йўналишлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1993й. –256 б.

1.4.3. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура. – Тошкент: Ўзбекистон, 1993й. –261 б.

1.4.4. Каримов И.А. Узбекистан – собственная модель перехода на рыночные отношения. Ташкент: Узбекистан, 1993. - С 9.

1.4.5. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. – Тошкент: Ўзбекистон, 1995. – 269 б.

1.4.6. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – 686 б.

1.4.7. Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000 – 112 б.

1.4.8. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. - Тошкент: Ўзбекистон, 2001. - 253 б.

1.4.9. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. - Тошкент: Ўзбекистон, 2005. - 528 б.

1.4.10. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. Тошкент: Ўзбекистон, 2007.– Б.39.

1.4.11. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Халқ сўзи, №16, 22.01.2011й

1.4.12. Каримов И. А. Инсон манфаатлари устиворлигини таъминлаш – барча ислоҳот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир. // Халқ сўзи газетаси. 2008. № 24. 9 феврал. 1-3 б.

1.4.13. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, уни Ўзбекистон шароитида бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Тошкент. «Ўзбекистон», 2009.

II. Китоб ва туркум нашрлари

2.3. Кейнс Дж. Общая теория занятости, процента и денег. - М.: Прогресс, 1978. - 117 б.

2.6. Хасбулатов Р.И. Мировая экономика. - Москва: Инсан, 1994. – С.736.

2.7. Водянов А.А. Инвестиционные процессы в экономике переходного периода. - Москва: ИМЭИ, 1995. – С.203.

2.13. Тожибоева Д. Иқтисодиёт назарияси. - Тошкент.: Шарқ, 2003. - 79 б.

2.14. Томанн Х. Прямые иностранные инвестиции в переходный период экономики. – Берлин, 2004. – с.6.

2.15. Вахабов А., Ўлмасов А., Иқтисодиёт назарияси. - Тошкент: Ўзбекистон, 2005. - 480 б.

2.16. Гаврилова А.Н., Сыроева Е.Ф., Барабанов А.И., Чигарев Г.Г. Финансовый менеджмент: учебное пособие. – Москва: Кнорус, 2005. – С.336.

2.17. Гаврилова А.Н. Финансовый менеджмент. - М.: Кнорус, 2005. - 156 б.

III. Журнал ва газеталарда чоп этилган мақолалар

4.7. Иванов И., Рогов С. Воспроизводство основных фондов и его инвестиционные источники // Российский экономический журнал. – Москва, 1995. - №7. – Б. 20 – 29;

4.9. Витин А. Приватизация и инвестиционная активность // Вопросы экономики. – Москва, 1996. - №4. – С. 33-44;

4.10. Турдиев А.С. Инвестицион муҳит ва уни таҳлил қилиш услуби // Иқтисод ва ҳисобот. - Тошкент, 1996. - №17.- Б. 6-8.;

4.11. Осолодкин С. Перспективы фондового рынка и приоритеты инвестирования // Рынок ценных бумаг. - Москва, 1996. - №7. - Б. 9-11;

4.13. Глазьев С. Стабилизация и экономический рост // Вопросы экономики. – Москва, 1997. - №1. – Б. 90 - 103;

4.14. Мартынов А. Активизация инвестиционной политики // Экономист. – Москва, 1997. - №9. - Б.54-61;

4.15. Кондратенко В. Инвестиционные ресурсы: проблемы аккумуляции // Экономист. – Москва, 1997. - №7. - Б. 82-89;

4.16. Матовников М. Об оценке эффективности российских банков как финансовых посредников // Деньги и кредит. – Москва, 2000. - №5;

4.17. Холтаев Ж.Т. Иностранние инвестиции в переходной экономике. // Рынок, деньги и кредит. - Тошкент, 2000. - №5. – 40 б.;

4.18. Холтаев Ж.Т. Иқтисодий ўсишда инвестициянинг аҳамияти // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. - Тошкент, 2000. - №7. - 41 б.;

4.20. Оценка масштабов присутствия иностранных банков // Деньги и кредит. – Москва, 2002. - №1. – С.25-30;

4.21. Верников А.В. Стратегия иностранных банков в России // Вопросы экономики. – Москва, 2002. - №12. – С.68-84.